ЭКЗЕМПЛЯР Ф.Б. САГУ читального зала

# 2.900.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 242 (1246)
10 ДЕКАБРЬ ЧОРШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Умумхалқ бирлашиб яна бир зўр берса, қолган 100 минг тонна ҳам бажарилади.

Пахтакор ўртоқлар, ҳозирги ғанимат кунлардан самарали фойдаланиб, барча ҳосилни тезроқ йиғиб олайлик, 3 миллион тоннага ўз ҳиссамизни қўшайлик!

## Жамоат чорвачилигини ривожлантириб, унинг маҳсулдорлигини тинмай оширайлик

Қиш фасли бошланиши билан чорвадорлар иши янада мураккаблашади ва масъулият ортади. Совуқ ва ёғингарчилик кунларида молларни тўқ ҳамда иссиқ сақлаш маҳсулдорликни оширишда асосий шартлардан биридир. Илғор колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермаларида, узоқдардаги яйловларида сигир ва йилқи, қўй ва эчки учун қиш мавсумида, эрта кўкламда ем-ириш мўлжаллаб етарли миқдорда ем-хашак, силос ҳозирланганлиги сабабли ана шундай хўжаликларда сигирлардан ҳамма вақт кўплаб сут соғиб олинмоқда. Бошқа моллар семиз ва соғлом қилиб боқилаётир.

Аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш жанговар шиор қилиб қўйилган экан, партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиларининг моддий манфаатини кўзлаб олга сурётган бу вазифасини ҳар бир чорвадор шараф билан бажариши зарур. Бунинг учун фермаларда ва яйловларда иш пухта ташкил этилиши, сигир соғувчи ва бузоқ боқувчи, чўпон ва чўчқабоқар, парранда-лик фермасининг ходими ўз зиммасига юкланган ғоят катта масъулиятни сидқидиллик билан бажариши зарур.

Областимиз колхозлари ва совхозлари чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун барча имкониятларга эгадирлар. Ана шу имкониятлардан тўла фойдаланаётган ҳамда маҳсулдорликни тинмай ошириш учун ички резервлардан самарали фойдаланаётган хўжаликларда моллар сони йил сайин кўпайиши билан бирга, улардан олинаётган маҳсулотнинг салмоғи ҳам тобора ортмоқда.

Калинин районидаги Киров номли колхоз 3-4 йил илгари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда камқувват колхозлар қаторида эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти колхозчилар оммаси билан биргаликда, бамаслаҳат иш олиб бориб ана шу қолоқлик сабабларини аниқлади ва илғорларга етиб олиш учун зарур бўлган тадбирларни изчиллик билан амалга оширди. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозир шу колхоз сигирлардан сут соғиб олишда, чўчқачиликни ривожлантиришда илгари донг таратиб келган шу райондаги Сталин номли колхоздан ўзиб кетди. Бу хилдаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бироқ ҳар тарафлама қулай имкониятларга эга бўлган бизнинг областда ҳали ҳам бир қанча колхозлар, ҳатто районлар борки, уларда сигирлардан кам сут соғиб олинаётир, қўйлари сергўшт ва сержун эмас, товуқлари камтухум. Баъзи колхоз ва район раҳбарлари қилаётгандек, қарорлар чиқариш, мажлислар қилавериш билан чорвачилик маҳсулдорлигини ошириб бўлмайди. Гоҳ у ташкилотда, гоҳ бу ташкилотда тонготар мажлислар қилгандан кўра ферма ёнига кўпроқ пичан ғамлаб қўяйлик, чорва ходимларининг ҳол-аҳволидан доим хабар олиб турайлик. Сут сғиш, пичан ташиш ва мол чиқиндиларини чиқариб ташлаш ишларини кўпроқ механизациялаштириш учун курашайлик.

Колхоз ва совхозларда, районларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўрсатувчи рақамларни кўздан кечирганда баъзи бир хўжаликларда ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан кам маҳсулот олинганини яққол кўрасиз. Ваҳоланки шундай хўжаликларда ҳам юқори кўрсаткичга эришиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Верхне-волинск, Октябрь, Гулистон, Мирзачўл районларида, бир қанча колхозларда 1957 йилнинг 11 ойидагидан бу йилнинг 11 ойи мобайнида сигирлардан кам сут соғиб олинган, маҳсулотнинг ялпи миқдори ҳам камайиб кеттан.

Қиш фасли бошланганига қарамай, ҳалигача чорва фермалари яқинида етарли миқдорда ем-хашак ғамланмаганлиги, узоқдаги яйловларда боқилаётган моллар учун дағал пичан тайёрлаш шу вақтгача етарли қилиб қўйилмаганлиги аниқ бир ҳолдир. Оржоникидзе, Сирдарё, Боёвут районларининг узоқ яйлаларда боқилаётган молларга пичан ғамлаб қўйиш топшириғи 50-60 процент ўртасида бажарилган. Шунга қарамай юқорида саналган районларнинг раҳбарлари бу ишга ҳамон панжа орасидан қарамоқдалар.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, район қишлоқ хўжалик инспекциялари, колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари чорва қишловини намунали ўтказиш учун зарур бўлган барча тадбирларни сира кечикмай амалга оширишлари, фермаларда, яйловларда чорвадорлар учун қулай маданий-маиший шароит яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак. Яқин кунларда узоқдаги яйловларга қиш ва эрта кўклам учун етарли миқдорда пичан, ем етказиб бериш, чўпонларни ва йилқибоқарларни иссиқ кийим билан тўла таъминлаш—ҳозирги кундаги муҳим вазифалардандир. Ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида очиқ ҳаволи кунларда қўйларни ва бошқа моллари яйловда ҳайдаб боқиш ўтган йилларда ҳам яхши натижалар берган. Бу тадбирни ҳозирда ҳам амалга оширайлик. Ветеринария ва зоотехника ходимлари колхоз ва совхозларда бўлиб, чорва молларининг касалланмаслиги учун курашишлари зарур. Шундай фактлар ҳам учраб турадики, бир қанча чорвачилик мутахассислари жойларда камдан-кам бўладилар, ҳақиқий аҳволни яхши билмайдилар, колхоз, совхоз чорвадорларига амалий ёрдам кўрсатмайдилар. Бундай камчиликларни тезда тугатиш керак. Чорвачилик мутахассислари фермаларда, яйловларда тез-тез бўлиб туришлари лозим.

Барча совет кишилари, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари партиямизнинг XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Кўп сонли чорвадорлар армияси ҳам ана шу улуғ кунта ўз совғаларини тайёрлаш учун, молларни қиш фаслида тўқ ва соғлом боқиш учун курашишлари керак.

Жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини тинмай ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирайлик!

## Сут тайёрлаш йиллик плани ошириб бажарилди

**Область колхоз ва совхозлари йиллик сут тайёрлаш планини муддатидан илгари 100,2 процент қилиб бажардилар. Давлатга сут топшириш давом этмоқда.**

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЪЕЗДИ

РСФСР ёзувчиларининг биринчи съезди 8 декабрда Союзлар уйининг Колонна залида ўз ишини давом эттирди. Ленинградлик шоир Александр Прокофьев эрталабки мажлисни очиб, барча иттифоқчи республикалардан съездга меҳмон бўлиб келган қаламкашларни съезд делегатлари номидан табриклади.

РСФСР Ёзувчилари союзи ташкилот комитетининг раиси Л. С. Соболев доклади юзасидан бўлган муозокаларда сўзга чиққанлар адабиётнинг турмуш билан чамбарчас боғланишини, халқнинг коммунизм ғалабаси учун олиб бораётган курашлари билан адабиётнинг чамбарчас боғланишини кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

* * *

Ёзувчилар съезднинг 8 декабрдаги кечки мажлисида мандат комиссияси раиси Анна Караваеванинг доклади тингланди.

Мандат комиссиясининг доклади тасдиқлангандан сўнг съезда Л. С. Соболев доклади юзасидан музокаралар давом қилди.

Съездда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Поспелов қатнашмоқда. (ТАСС).

## *Ўзбекистон архитекторларининг бешинчи съезди*

Кеча республика пойтахтида Ўзбекистон архитекторларининг бешинчи съезди очилди.

Съездда Ўзбекистон ССР архитекторлари союзининг 1955-1958 йиллардаги ижодий фаолияти ҳақида ва келгусидаги вазифалар тўғрисида союз правлениесининг раиси М. С. Булатов доклад қилди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

## *ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ*



**Суратларда: 1. 4-«Боёвут» совхози 1-бўлимининг илғор бригада бошлиқларидан ўртоқ Адҳам Ҳайдаров. Ўртоқ Ҳайдаров бошчилик қилаётган бригада ишчилари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 24 центнердан ҳосил топшириб, планни муддатидан илгари бажардилар. 2. Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхозда пахта тераётган Чирчиқдаги медицина техникумининг студенти ўртоқ Саттор Иброҳимов. Колхоз правлениеси Иброҳимовни теримда намуна кўрсатиб ишлаганлиги учун «Родина» маркали радиоприёмник билан мукофотлади. 3. Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиги Эсонбой Усмонов. Тажрибали пахтакор ўртоқ Усмонов бошлиқ бригада аъзолари шу кунларда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.**

М. Шевелев фотолари.

## Мажбуриятимизни ҳам ошириб бажарамиз

Бригадамиз аъзолари йил бошида 63 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 28 центнердан пахта топширамиз, деб ўз зиммаларига социалистик мажбурият олган эдилар. Мирзачўл ерлари шароитида ана шундай ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилиш, луч келган қийинчиликларни енгиш керак эди.

Бригадамиз аъзолари меҳнатни тўғри ташкил қилдилар, техникадан унумли фойдаландик. Астойдил меҳнат қилиб, бир текис ундириб олинган ғўзаларни ҳам узунасига, ҳам кўндалангига парвариш қилдик. Бунда бригадамиз механизатори ўртоқ Шерқўзи Бозорбоевнинг хизмати катта бўлди. У барча майдонларда культивациянинг сифатли бўлишини таъминлади. Миришкор сувчиларимиз ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичиши учун курашдилар.

Ишнинг кўзини билиб, астойдил меҳнат қилган бригадамиз аъзолари ўўкламдаги ноқулай об-ҳаво туфайли юз берган қийинчиликларни бартараф қилишга эришдилар, натижада ҳар гектар ерда мўлжалдаги ҳосилни етиштира олдик.

Олдиндан кўрилган пухта тайёргарлик туфайли йиғим-терим ҳам уюшқоқлик билан бошланди. Теримчилар ўртасида ўзаро мусобақани кучайтириб юбордик. Натижада кўп минг килограммчи теримчилар сони кундан-кунга ортиб борди. Ҳар бир теримчи белгиланган графикни 2-3 ҳиссага етказиб бажариш учун астойдил курашди.

Ўзаро мусобақада ўртоқ Райимжон Неъматов бошлиқ звено аъзолари олдинда бориб, йиллик планни биринчи бўлиб бажардилар. Улар 22 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. Ўртоқ Норинисо Ўринова бошлиқ звено аъзолари эса 21 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 29 центнердан пахта топширдилар.

Биз кўп минг килограммчи теримчилардан жуда хурсандмиз. Уларга қайта-қайта раҳмат айтсанг арзийди. Раъно Худойқулова, Қиммат Ҳайдарова, Шафиқа Бойтиллаева, Хайриниса Бойматова сингари илғор теримчиларимиз шу кунгача хирмонга 6-7 тоннадан пахта териб топширдилар.

Бригадамиз аъзоларининг астойдил меҳнат қилишлари яхши натижа берди. Биз пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари 16 ноябрдаёқ 101 процент қилиб бажардик. Ана шу кундан бошлаб то ҳозиргача давлатга мажбурият ҳисобидан пахта топширмоқдамиз. Илғор теримчиларимиз ердаги ҳосилнинг сўнгги граммигача сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш мақсадида астойдил ишламоқдалар.

Шу кеча-кундузда ҳар бир пахтакор республикамиз бўйича она-Ватанга 3 миллион тонна пахта топширилиши учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда. Бизнинг бригада аъзолари ҳам ана шулар сафида туриб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажарадилар ва келгуси йил мўл ҳосилига пухта тайёрланадилар.

**А. СУЛТОНОВ,**
**Мирзачўл районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи.**

## Бўлим ишчиларининг муваффақияти

Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхозининг 4-бўлими илгари қолоқ бўлимлардан ҳисобланарди. Бўлим ишчилари ва механизаторлари бу йил қолоқликдан чиқиш учун ёз бўйи фидокорона меҳнат қилдилар. Бригадаларо социалистик мусобақа кучайтириб юборилди. Механизациядан кенг фойдаланилди. 430 гектар майдоннинг ҳаммасида ғўзалар икки томонлама парвариш қилинди. Бу, қўл меҳнатини анча камайтирди ва барча майдонда мўл ҳосил етиштиришга имкон берди.

Бўлим ишчилари йиғим-терим кампаниясини ҳам зўр уюшқоқлик билан якунламоқдалар. Йиғим-теримда кўп минг килограммчи теримчилар ҳаракати кучайтирилган. 100 га яқин теримчи мавсумда 10-15 минг килограммдан пахта териб беришга бел боғлаган. Ў. Мамадалиева, И. Жўраева, З. Каримова сингари чевар теримчилар ҳозиргача 9-11 минг килограммга етказиб пахта териб бердилар.

Бўлимда, айниқса, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилди. 200 гектар ердаги пахта машина билан териб олинди. Мингбой Сориев, Ким Роман сингари илғор механизаторлар мавсумда 70 тоннадан пахта териб бердилар. Амалга оширилган ана шу тадбирлар натижасида бўлим 12 ноябрда пахта тайёрлаш давлат планини муваффақиятли бажарди. Мамлакатга 700 тонна «оқ олтин» топширилди.

Бўлимнинг Э. Шарипов, А. Жўраев, Ж. Бердиев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалари ишчилари, айниқса, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бу бригадалар пахта тайёрлаш планларини 120-132 процентдан бажариб, ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Ҳали бўлим далаларида пахта кўп. Ишчилар жонажон Ватанга яна 300 тонна пахта етказиб бериш учун барча куч ва имкониятларни йиғим-теримга сафарбар қилмоқдалар. Улар ҳозирги кунларда ҳам кунига кўплаб пахта топширишга эришмоқдалар. Бўлимда шудгорлаш ҳам кучайтириб юборилди. Ҳозиргача 120 гектар ер сифатли шудгордан чиқарилди.

Совхознинг биринчи ва учинчи бўлимлари ҳам пахта тайёрлаш планини бажариш арафасида турибдилар.

**Х. САГИЗОВ.**

## *ТЕРИБ ОЛ!*

Кўрди-ю, юраги «шиғ» этиб нетиб,
Йўл устида бехос тўхтаб қолди чол.
Тўнилган пахтани, қадамлаб етиб
Шошиб қўлга олди тупроқдан дарҳол.
Жигар бағри нуйиб ачишди туздай,
— Нонинг бутуни ҳам, увоғи ҳам нон.
— Ҳамма нарсадан ҳам, — бош чайқади, — ҳай-ҳай,
Ҳай-ҳай, — деди, — бунинг уволи ёмон.
Бир сиқим пахтани тутиб қўлига
Йўлда давом этди ер санаб яна,
Аммо бурилганда дала йўлига
Бирдан яшаргандай қувонди, ана:
Кичик бир қизалоқ, тирмашган қўйи
Чўзиларди оёқ учида тикка,
Аммо қани энди етса-чи бўйи
Дарахтда михланиб турган яшикка.
Югурди-ю, ердан кўтарди шу дам,
Етти яшар қизни етмиш яшар чол:
— Ёшимга ет болам, қани-қани болам,
Майли ўз қўлларинг билан солақол...

Қизни ерга қўйиб, ўпди тўйиб-тўйиб,
Невараси каби эркалатди чол.
Кейин пахталигин тугмалаб қўйиб,
— Бўтам, — деди, — бўтам кўрсанг териб ол!
Сўз бор: тома-тома кўл бўлади, ҳа,
Ерда ётса увол, бу нондир болам.
Юрт олдида элнинг фахри бу пахта,
Еганимиз шундан, кийганимиз ҳам.
Чол ҳам кулди, қиз ҳам.
— Раҳмат қизим! — Чол
Портфелини олиб берди қўлига.
— Раҳмат ота! — Шошди қиз мактабга хушҳол.
Ота эса қувнаб дала йўлига.
Эрталабки шамол шох силкиб эсар,
Шитир-шитир учар тилла япроқлар.
Узоқда
эринчоқ қуёшни эса
Елкасидан кўкка оширар тоғлар.

**ШУНҚОР.**

## *„Ҳимматингизга балли, отахон“*

Хирмондагилар машинага жойланган пахталарни арқон билан тортиб боғлашаётган эди, шофер Маҳкамбоев уларни тўхтатди.

— Шошмангилар, — деди у ва машинанинг тепасига чиқиб, қанорлардаги пахталарни кайтадан жойлаштира бошлади, — район марказидан ўтганингизда Хусанбой отанинг қўлига тушмабсиз, пахтани қанақа қилиб ортишни кўрсатиб қўяди...

Шофернинг жон куйдириб айтишича бор. Район марказидаги кўчаларда тўкилган, сочилган пахталарни териб юрувчи Хусанбой ота шофер ва аравакашлардан эҳтиётлик билан юришни, пахтанинг тўкилишига сира ҳам йўл қўймасликни уқтиради. Шофер ёки аравакашлар отанинг айтган гаплари, талабларига қулоқ соладилар.

Хусанбой ота Зоҳиров тўкилган пахталарни териб олади, уларни хас-чўплардан тозалайди, тўплаб пунктга топширади. Ота шу ишни жуда севиб, жон-дили билан бажаради.

— Бу йил олдинги йиллардагига қараганда, — дейди Хусанбой ота, — пахта нобудгарчилиги бирмунча камайган, лекин ўз вазифасига енгилтаклик билан қараб, машина ва аравасини нотўғри ҳайдаб, пахтанинг тўкилишига йўл қўядиган шофер ва аравакашлар йўқ эмас. Мен бундай шоферлар кўчадан ўтиб кетаётганида уларни тўхтатиб, «орқа-ўнтингга қараб юр», деб огоҳлантираман, тўкилиб қолган пахталарни териб олиб, пунктга топшираман.

Эл бойлиги «оқ олтин»имизнинг қадрига етиб, унинг нобуд бўлишига йўл қўймайдиган 70 ёшли Хусанбой ота Зоҳировни Бўка районида танимайдиган киши кам, шунинг учун ҳам ҳамма Хусанбой отани кўрганида, «ҳимматингизга балли, отахон» деб ҳурматлайди.

**Г. АЛЬМУҲАМЕДОВ.**

## *Муносиб ҳисса*

Тошкент шаҳар Октябрь районида 150 дан ортиқ маҳалла бор. Ана шу маҳаллаларнинг меҳнаткашлари республикамиз бўйича мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб беришдек шарафли ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадида бир неча ҳафтадан бери колхоз, совхозлар даласида пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

«Оққўрғон» совхози ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозларида астойдил меҳнат қилаётган ҳашарчилар айниқса яхши натижаларга эришаётирлар. 35 кишидан иборат кексалар бригадаси ўзларининг ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажариб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқда. Калинин номли маҳалладан Тожиев ў. мусобақадоши Қодиров билан бирга ҳар куни хирмонга 100 килограммдан ошириб кўсак териб тоғширмоқда. Иттифоқ маҳаллалик Карим ота Бадалов ҳам тенгдошларидан орқада қолмаслик учун ҳаракат қилаётир. Кексалар бригадаси шу кунгача «Оққўрғон» совхози ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида 566 тонна пахта ва 105 тонна кўсак тердилар.

«Ўзгариш», «Қўштут», «Янги шаҳар», «Чиғатой», «Дероз», «Уйғур» маҳаллаларининг меҳнаткашлари ўзаро бошланган социалистик мусобақада олдинда бориб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажариш учун астойдил ишламоқдалар. Улар орасида пахтакорлар билан бир сафда туриб кунига 150-200 килограммдан кўсак тераётган илғорлар оз эмас. «Париж Коммунаси» маҳалласидан Фаридахон Тўлаганова, Муқаддасхон Жўраева, Дероз маҳаллалик Виктор Кокотек, Ботир Маҳкамов. Самат Шарипов, Тинчлик маҳалласидан Яшин Тиллаев, Тешабой Суярхонов, Тоҳир Обидов ўртоқларнинг намунали ишларини ҳар қанча мақтасанг арзийди.

**Р. ҲАСАНОВ.**

## Илғорларга тенглашиш керак

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхознинг илғор бригадалари партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатига жавобан далада қолган ҳосилнинг сўнгги кўрагигача нобуд қилмай териб олиш учун курашмоқдалар. Колхознинг Усмон Аслонов, Аҳмад Музаффаров, Ли Иннер ва Кан Мингер ўртоқлар бошлиқ бригадалари шу кунларда ҳам кўплаб пахта тайёрламоқдалар.

Бироқ баъзи бир бригадаларда суръат бўшаштириб юборилган. Масалан, 7-бригадада ҳосил кўп, имконият бор бўлишига қарамасдан, ишда унум йўқ. Барча ишчи кучлари, транспорт ҳосилни тезроқ теришга сафарбар этилмаган.

Вақт ғанимат. Қолган ҳосилни тезда йиғиб олиб, келгуси йил тараддудини ҳам кўриш, шудгорлашни кучайтириш керак. Шундай экан, бу бригадалар илғор бригадалардан ўрнак олишлари, йиғим-терим суръатини тезлаштиришлари, «оқ олтин»нинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан териб олиб, давлатга топшириш учун астойдил курашишлари зарур.

**Ғ. АСАТУЛЛАЕВ.**

### Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 9 декабргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Районлар | Мавсум бошидан бери | Бир кунлик ўсиш | Районлар | Мавсум бошидан бери | Бир кунлик ўсиш |
|---|---|---|---|---|---|
| Бўстонлиқ | 94,30 | 0,80 | Мирзачўл | 78,19 | 0,27 |
| Пискент | 89,06 | 0,65 | Оржоникидзе | 76,86 | 0,49 |
| Куйи Чирчиқ | 87,23 | 0,32 | Октябрь | 76,81 | 0,45 |
| Боёвут | 87,16 | 0,32 | Сирдарё | 75,28 | 0,23 |
| Бўка | 84,81 | 0,33 | Чиноз | 73,83 | 0,24 |
| Бекобод | 84,47 | 0,34 | Ўртасарой | 73,03 | 0,16 |
| Оққўрғон | 82,83 | 0,27 | Янгийўл | 67,11 | 0,48 |
| Юқори Чирчиқ | 81,91 | 0,35 | Оҳангарон | 54,88 | 0,42 |
| Верхне-волинск | 81,10 | 0,27 | Калинин | 49,45 | 0,37 |
| Гулистон | 79,53 | 0,53 | | | |
| Ўрта Чирчиқ | 78,58 | 0,21 | Область бўйича | 79,84 | 0,34 |

### Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 9 декабргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Совхозлар | Мавсум бошидан бери | Бир кунлик ўсиш | Совхозлар | Мавсум бошидан бери | Бир кунлик ўсиш |
|---|---|---|---|---|---|
| 6-«Қўқорол» | 129,65 | 0,60 | «Фарҳод» | 78,18 | 0,62 |
| «Вревский» | 124,66 | 0,33 | «Чаноқ» | 77,00 | 0,35 |
| «Пискент» | 92,23 | 0,61 | «Гулистон» | 76,14 | 0,35 |
| 3-«Боёвут» | 91,18 | 0,33 | 4-«Боёвут» | 73,56 | 0,35 |
| «Социализм» | 90,58 | 0,24 | «Дружба» | 71,53 | 0,37 |
| «Оққўрғон» | 89,56 | 0,36 | 1-«Далварзин» | 67,33 | 0,66 |
| 1-«Далварзин» | 85,64 | 0,19 | «Малик» | 63,17 | 0,27 |
| Киров номли | 85,22 | 0,19 | Тошкент насл-чилик совхози | 61,96 | 0,59 |
| 2-«Далварзин» | 84,56 | 0,32 | Бушуев номли | 61,80 | 0,13 |
| «Мирзачўл» | 84,16 | 0,14 | 2-«Оҳангарон» | 46,23 | 0,23 |
| 1-«Боёвут» | 82,57 | 0,33 | | | |
| «ЎзССР беш йиллиги» | 78,90 | 0,34 | | | |

КПСС XXI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

# Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезислари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мактаблар ҳақидаги тезислари умумхалқ муҳокамасида

## Пишиб етилган масала

Етти йилликда социалистик индустриямизнинг бошқа соҳалари билан бир қаторда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридаги иш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Бинобарин нон заводларида маҳсулот ишлаб чиқариш кескин суратда ошади. Шу муносабат билан корхоналарда тайёрланаётган хилма-хил маҳсулотларни савдо ташкилотларига ўз вақтида сифатини бузмасдан етказиб бериш масаласи жуда муҳим масала бўлиб қолади. Мен шу ҳақда ўзимнинг баъзи бир фикрларимни айтиб ўтмоқчиман.

Бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети савдо тармоқларига нон ташувчи ихтисослаштирилган автотранспортни республика савдо министрлиги ихтиёридан олиб, бевосита корхоналарга топшириш ва маҳсулот ташишни заводлар зиммасига юклаш тўғрисида қарор чиқарган эди. Бу, ўз вақтида кўрилган жуда муҳим тадбир эди. Афсуски бу соҳадаги иш ҳалигача охирига етказилгани йўқ.

Гап шундаки, нон заводларида тайёрланган маҳсулотни республика савдо министрлигининг автотранспорти ўзаро шартномага асосан савдо шохобчаларига етказиб беради. Бу автотранспорт маҳсулотнинг фақат миқдоригагина жавобгар бўлиб, унинг сифатига ҳеч қандай жавобгарлиги йўқ. Шу сабабли корхоналарда тайёрланган маҳсулот кўп вақт савдо шохобчаларига боргунча ўзининг дастлабки сифатини йўқотади.

Нон заводлари ҳозир жуда қийин аҳволда қолдилар. Гап шундаки, бир томондан савдо шохобчалари биздаги маҳсулотларни ўз вақтида ва зарур миқдорда етказиб беришни талаб қилаётган бўлсалар, иккинчи томондан эса республика савдо министрлиги автотранспорт етказиб беришда жуда катта чалкашликларга йўл қўймоқда. Бўпинча биз заказ қилган вақтимизга транспорт берилмайди, баъзан эса керагидан ортиб кетади. Иккинчи ҳолда биз транспортдан тўла фойдалана олмаймиз. Бунга имконият ҳам йўқ. Натижада айбни ўзлари қиладилар-да, автотранспортнинг бекор туриб қолганлиги учун эса биздан штраф эладилар. Айбни бошқа киши қилиб қўялию, зарари бизга тегади. Савдо министрлиги нон заводларини автотранспорт билан белгиланган қатъий график асосида таъминлаш ўрнига кўпроқ штрафлар ундириб олиш пайида.

Бу масала ўз вақтида нон заводининг раҳбарлари томонидан «Узбекхлеб» трести ва савдо министрлиги олдига қўйилган эди. **Бу тадбир амалга оширилганда, нон заводлари билан савдо шохобчалари ўртасидаги алоқа мустаҳкамланган ва умум ишимизга катта фойда келтирилган бўлур эди.** Собиқ «Узбекхлеб» трести раҳбарларининг қаттиқ қаршилик кўрсатишлари туфайли бу тадбир амалга оширилмай қолди. Бу трест раҳбари Ўртоқ Порфирьев ҳозир Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли саноат бошқармаси озиқ-овқат бўлимига раҳбарлик қилмоқда. Нон заводларининг раҳбарлари мазкур масалани бу бўлим олдига бир неча бор қўйган бўлсаларда, лекин Ўртоқ Порфирьев нима учундир бунга эътибор бермаётир. Бўлим ходимларининг фикрича, автотранспортни савдо министрлигидан олиш қўшимча харажатлар талаб қилар эмиш. Чунончи автомобилларни ремонт қилиш учун махсус мастерской йўқ эмиш. Бу мутлақо ўринсиз даъводир. Чунки саноат бошқармаси ихтиёрида бундай мастерской бор. **Шу сабабли ихтисослаштирилган автротранспортни нон заводларининг ихтиёрига топшириш зарур. Бу тадбир қанчалик тез амалга оширилса, ишимиз ҳам шунча тез яхшиланади, нуқсонлар бартараф этилади.**

Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда кўп йиллардан буён қўлланиб келаётган марказлаштирилган нон ташиш усули катта фойда келтираяпти. Ихтисослаштирилган автотранспорт нон заводларининг ихтиёрига топширилган. Корхоналар шу прогрессив усулни жорий қилиш натижасида маҳсулот сифатини яхшилашга, ассортиментни кенгайтириб, савдо ташкилотларига керакли маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга муваффақ бўлаётирлар. Буни биз тажриба алмашиш учун борганимизда, ўз кўзимиз билан кўриб келдик. Шу сабабли саноат бошкармасининг озиқ-овқат бўлими раҳбарлари ҳеч бир иккиланмай ва чўчимай бу тадбирни амалга оширишлари зарур.

**К. УВАЙДОВ,**
**Тошкентдаги 1-нон заводининг директори.**

АГИТАТОР СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН!

## Саноатнинг озуқаси

**В. И. Ленин кўмирнинг саноат озуқаси эканлигини таъкидлаб, уни иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилишнинг асосий манбаларидан биридир, деган эди.**

**Чор Россияси кўмир қазиб чиқариш жиҳатидан дунёда олтинчи ўринда турар эди. 1913 йили Россияда ҳаммаси бўлиб 29,1 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилган бўлиб, бу асосан Донец кўмир ҳавзасидан олинган эди.**

**Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда кўмир қазиб чиқариш мислсиз равишда ривожлантирилди. 1950 йилда 1940 йилдагига нисбатан 57 процент кўп кўмир қазиб чиқарилди. 1957 йилга келиб 463 миллион тонна кўмир казиб чиқарилди. Бу 1913 йилга нисбатан 16 баравар кўпдир.**

**Ҳозирги вақтда СССР, Англия ва Францияни бирга қўшиб олганда уларда қазиб чиқарилаётган кўмирга қараганда ҳам кўпроқ қазиб чиқармоқда. Кўмир қазиб чиқариш жиҳатидан СССР ҳозирги кунда дунёда иккинчи ўринда-дир. Кейинги йилларда СССР кўмир қазиб чиқаришнинг ўсиш суръатлари жиҳатидангина эмас, шу билан бирга ҳар йилги абсолют ўсиш жиҳатидан ҳам АҚШдан ўзиб кетди.**

**Етти йиллик план ҳақидаги тезисларда 1965 йилда кўмир қазиб чиқаришни 596-609 миллион тоннага етказиш кўзда тутилади. Шарқий районлардаги (Урал бу ҳисобга кирмайди) энг тежамли кўмирларни қазиб чиқариш 42-45 процент кўпаяди. Кокса ланадиган кўмир қазиб чиқариш 60-66 процент кўпаяди ва 1965 йилда 150-156 миллион тоннага етади. Кўмир қазиб чиқаришнинг энг самарали усули бўлган очиқ усулда қазиб чиқариш янада ривожланади. Шарқий Сибирдаги Канск-Ачинск ҳавзасида, Қозоғистондаги Экибастуз конида кўмирни очиқ усулда қазиб олиш кенг йўлга қўйилмоқда.**

## Сабзавот ҳосилини ошириб, таннархини камайтириш — асосий вазифамиз

Колхозимиз асосан сабзавотчилик билан шуғулланади. Жамоат чорвачилиги ҳам йилдан-йилга ривожланаётир. Бизнинг колхоз зиммасига шаҳар меҳнаткашларини узлуксиз сабзавот, картошка, узум, турли мева ва чорвачилик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлашдек муҳим вазифа юклатилган.

Бизда кейинги 5-6 йил мобайнида сабзавот, картошка экинлари ҳосилдорлиги анча оширилиб, дастлабки муваффақият қўлга киритилди. Бунга агротехниканинг янги прогрессив усулларини кенг жорий қилиш, деҳқончиликдаги ишларни кўпроқ механизациялаштириш туфайли эришилди. 1952 йилда ҳар гектар ердан 5,47 тоннадан картошка олинган бўлса, бу йил 12,5 тоннадан ҳосил олинди. Сабзавот майдонининг ҳар гектаридан эса ўша йили 7-8 тоннадан ҳосил олинган эди, бу йил 15,5 тоннадан ҳосил йиғиб олинди. Бошқа экинлардан ҳам ана шундай юқори ҳосил етиштирилди.

Чорвачилик колхознинг сердаромад манбаларидан бири ҳисобланади. Бундан 6 йил илгари жайдари сигирларнинг ҳар биридан 409 литрдан сут согиб олган эдик. Биз партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига амал қилиб, жамоат чорвачилигини, айниқса сигирларнинг наслини яхшилашга алоҳида эътибор бердик. Бу, жуда яхши натижалар берди. Шу йилнинг 10 ойи ичида ҳар бир сигирдан 2540 литрдан сут согиб олинди, ёки сут маҳсулоти дастлабки йилларга қараганда олти баравар кўпайди. Шунингдек чўчқачилик ҳам тўрт баравар ўсди.

Колхозимизда мевачилик ҳам тобора ривожланаётир, илгари вақтларда фақат 3 гектар ток бўлиб, ундан олинадиган ҳосил жуда ҳам оз эди. Ҳозир колхознинг турли навларга эга бўлган 23 гектар узумзори, 97 гектар олмазори бор. Бу боғлардан, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олингани сабабли колхознинг пул даромади 120 процентга кўпайди. Бу йил колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига 16 сўмлан пул, турли сабзавот, ғалла ва бошқа маҳсулотлар тақсимлаш мўлжалланаётир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг партия XXI съездида «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақида қиладиган доклади тезисларида республикамиз бўйича сабзавот етиштиришни 3 баравар, гўшт етиштиришни 2,1, сут етиштиришни 1,7 баравар кўпайтириш ҳамда боғ-узумзорларни кенгайтириш мўлжалланади. Коммунизм жамияти қуришнинг буюк программасида келтирилган ҳар бир рақам халқимизнинг бахт-саодати, фаровон, маданий турмуш кечиришларини тўла ифодалайди.

Бизнинг районимиздаги барча колхозларда сабзавотчиликни ҳартарафлама ривожлантириб, унинг ҳосилини кескин ошириш, таннархини камайтириш учун катта имкониятлар бор. Биз Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларини ўрганиб чиқиб, етти йил ичида олмазорларни 150 гектарга етказиш, 37 гектар ерга янгидан ток ўтказишни планлаштирдик. Деҳқон мевазорларни қанчалик кенгайтирса, меҳнаткашларнинг дастурхони шунчалик тўкин-сочин бўлади.

**Колхозларда уруғчиликка алоҳида эътибор бериш энг муҳим вазифа. Бусиз сабзавот ва картошкадан юқори ҳосил олиб бўлмайди.** Эътироф этиш керакки, бизнинг колхозда ҳам уруғчилик энг қолоқ соҳа бўлганидан, кўп уруғ сотиб олинар, колхознинг катта маблағи ўринсиз сарфланар, бунинг устига сифати паст бўлиб, кутилганча натижа бермас эди. **Колхоз правлениеси уруғчилик хўжалигини тартибга солиш учун жиддий иш қилди. Алоҳида участкаларга экин экилиб, пиёз, сабзи, қовун, помидор ва бошқа резавор экинларнинг уруғлари ўзимизда етиштириладиган бўлди. Картошка уруғи ҳам сараланди. Бу, ҳосилнинг анча ошишини таъминлади, харажатлар эса анча камайди. Ҳар бир колхозда уруғчилик хўжалиги қатъий тартибга қўйилиши шарт. Шундай қилинганда тезисларда мўлжалланганидан кўпроқ сабзавот ҳосили етиштириш мумкин.**

Булардан ташқари, сабзавотдан муттасил юқори ҳосил олиш учун алмашлаб экишни кенг жорий қилиш керак. Алмашлаб экиш ҳозиргача тўла амалга оширилмаётир. Бунинг натижасида бизда ва районимиздаги бошқа колхозларда бир ерга бир неча йил картошка экилаётир. Бу ҳосилни оширишга салбий таъсир қилмоқда. **Бизнинг фикримизча, сабзавотчилик колхозларида албатта алмашлаб экишни тўла амалга ошириш керак.**

Партия ва ҳукуматимиз колхозларга юқоридан план бериш тартибини бекор қилган. Экин планлари колхоз шароити ҳисобга олинган ҳолда правление томонидан тузилиши керак. Лекин бу тартиб ҳам ҳозиргача тўла амалга оширилгани йўқ. Колхозда тузилган план районга борганидан кейин правлениенинг фикри олинмасдан ўзгартирилади. Бир хил экин кўпайтирилса, иккинчи экиннинг тури камайтирилади. Бу тартиб ҳам алмашлаб экишни жорий қилишга имкон бермаётир. **Кайси экиндан қанча ҳосил олиш кераклиги, экинларни планлаштириш колхоз правлениелари ихтиёрида бўлиши керак. Бунинг натижасида ҳосил кўпаяди, таннархи пасаяди, харажат озаяди. Бир бригаданинг 6-7 хил экин экиши механизациядан тўла фойдаланиш имкониятини ҳам беради.**

Колхозимизда сабзавот етиштиришнинг таннархи ҳали ҳам юқори. Фақат силоснинг ҳар бир килограмми 6 тийинга тушаётир, сутнинг бир литри 2 сўм 32 тийинга тушмоқда, чунки колхоз ем, бошқа концентрат озуқаларни давлатдан олмайди. Бунинг устига колхозда ҳам камайтирилади, кўп вақт сотиб олинади. **Шаҳар атрофидаги колхозларда сут етиштириш таннархини камайтириш учун ҳар бир колхозда арпа экишни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида ем арзонга тушади, соғин сигирларнинг сути янада кўпаяди.**

Колхозлар давлатдан техника сотиб олди. Сабзавотчиликдаги оғир меҳнатларни енгиллаштириш учун ҳамма имконият яратиб берилган. Афсуски, мавжуд техникадан ҳали ҳам етарли фойдаланилмаётир. Бундай камчилик бизнинг колхозда ҳам то сўнгги вақтгача давом этиб келди. Энди бу ҳолга хотима берилиши керак. Агар механизациядан яхши фойдаланилса сабзавот, картошканинг таннархи икки баравар камаяди.

**Биз хўжаликни янада мустаҳкамлаш тадбирларини белгиламоқдамиз. 1965 йилга борив картошканинг ҳар гектаридан 18 тоннадан, сабзавотдан камида 25 тоннадан ҳосил етиштирамиз. Гўшт етиштиришни 1,5 баравардан оширамиз. Ҳозир сигирлардан 1960 йилга мўлжалланганидан кўп сут согиб олинаётир.**

Колхозимизнинг аъзолари КПСС XXI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётирлар. Бизнинг фикри-зикримиз Ватанни янада гуллатиш, аҳолига мўл-кўл сабзавот етказиб беришдан иборатдир.

**М. МАЪМУРОВ,**
**Калинин районидаги генерал С. Раҳимов номли колхоз раиси.**

**А. ЗИЯЕВ,**
**ҳосилот советининг раиси.**

**Ш. ОБИДОВ,**
**колхоз бош бухгалтери.**

## Иш ва ўқиш илғорлари

— Мана бу байроқларнинг бири Октябрь районидаги Тельман номли колхоздан, иккинчиси эса 4- «Боёвут» совхозидан пахта теришда актив қатнашганлигимиз учун берилган, телевизоримиз ҳам бор, — деди мамнунлик билан мактаб партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ю. Исҳоқов.

— Мана бу хатни даладан, директордан олдим. Мажбурият бажарилган, мактабимиз ўқувчилари 152 тонна пахта ва 153 тонна кўсак теришибди.

— Ўқувчилар орасида терим илғорлари ҳам кўпдир?

— Бўлмасамчи, мана буларга қаранг,—парторг янгигина фото стендга ёпиштирилган суратлардан Салима Юсупова, Саид Исмоилов, Фарида Йўлдошева, Валентина Гайдамакиналарнинг пахта тераётиб тушган расмларини кўрсатиб, — кундалик нормани икки-икки ярим ҳисса қилиб бажараётган илғорларимиз, — деди.

4- «Боёвут» совхозининг пахтакорларига яқиндан ёрдам бераётган Тошкент шаҳар 2- ҳунар мактабининг ўқувчилари ўз меҳнатлари билан совхоз ишчилари орасида ҳурматга сазовор бўлдилар.

Уларнинг ўқишда, жамоат ишларидаги ютуқлари ҳам чакки эмас. Ҳунар мактаби ўқувчилари ВЛКСМ Марказий Комитетининг чақиригига биноан 12 тонна темир-терсак тўплаб, заводларга топширдилар, унумли ишлаб, комсомол жамғармасига 30300 сўм пул тўпладилар.

Мактаб коллективи ўқишда ва ишда олинган социалистик мажбуриятнинг 1958 йил III квартал планини ортиги билан бажариб, Совет Иттифоқидаги ҳунар мактаблари орасида учинчи ўринни ва беш минг сўм пул мукофотини олишга, республикамизда эса иккинчи ўринни эгалладилар. «Даугава» радиоласи билан мукофотландилар.

Ана шу тезислар муҳокамасига бағишланиб ўтказилган очиқ партия йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари кенг ўрганиб чиқилди. Ҳунар мактабининг ўқитувчи ва тарбиячилари Пленум қарорларини қизғин маъқуллаб, ўқувчилар ўртасида коммунистик меҳнат группалари тузиш ҳақида таклиф киритдилар.

**Тарих ўқитувчиси ўртоқ Илҳом Иброҳимов мактабдаги мавжуд моддий таъминот системасини ўзгартириш кераклигини айтди. Ўқувчилар ҳам давлат фондидан ажратилган маблағга эмас, ўз меҳнатларидан келган фойда ҳисобига ўқиш истагини билдирмоқдалар.**

Ўқувчиларнинг фойдали меҳнатда кўпроқ иштирок этишларини эътиборга олиб, уларга одатдаги стипендиядан кўпроқ пул тўлаш керак.

**Ҳунар мактабида биноларни ремонт қилиш, инвентарларни тартибли сақлашдан тортиб, мактабни тозалаб туришгача бўлган ҳамма юмушларни ўқувчиларнинг ўзлари бажарадиган бўладилар, яъни ўзўзига хизмат қилиш йўлга қўйилади.**

Ўқувчилар учун ҳар хил тўгаракларни, айниқса, уй-рўзғор ишлари, ёш техниклар, қўл ҳунари сингари тўгаракларни ташкил этиш зарур.

**Йиғилишда графика, чизмачилик, материалшунослик, махсус технология, физика ва химия фанларини чуқурроқ ўтиш билан ўқувчиларга ўрта маълумот ҳажмида билим бериш кераклиги уқтириб ўтилди.**

Шундай қилинганда ҳунар мактабини тугатиб чиқадиган ёшлар ҳар томонлама билимдон бўладилар.

**С. МУСАЕВ,**
**Т. МАҲМУДОВ,**
**А. АБДУРАҲМОНОВ.**

## ГОСПЛАННИНГ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ ЗАВОДДА ДОКЛАДЛАР ҚИЛМОҚДАЛАР

Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезислари Москвадаги трансформатор заводида юксак активлик вазиятида муҳокама қилинмоқда. Етти йилликда жуда унумли ишлаш ва заказларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни такомиллаштириш тадбирлари киритилмоқда.

Шу муносабат билан завод партия йиғилишида механика цехини кенгайтириш таклиф қилинди. Коммунистлар механизация ва стандарт бўлмаган ускуналар цехини ташкил қилишни ҳам таклиф этдилар.

8 декабрда СССР Госплани ходимларидан бир группаси заводга келди. Электротехника ва приборсозлик саноати бўлимининг бошлиғи Д. С. Черничкин, бош мутахассислар М. П. Павлов, К. М. Филиппов, ва бошқалар цехларда докладлар қилиб, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида, электротехника корхоналари коллективлари ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида сўзлаб бердилар. (ТАСС).

## Порлоқ истиқбол режалари

Барча совет кишилари каби районимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини ва Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезисларини қизғин кутиб олдилар ҳамда уни якдиллик билан маъқуллямоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари ва Ўртоқ Хрушчев докладининг тезислари яқинда бўлиб ўтган район партия активининг йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Коммунистлар бу ҳужжатларнинг тарихий аҳамияти ҳақида зўр ифтихор билан гапирдилар ва ўзларининг конкрет таклифларини киритдилар.

Етти йилликнинг охирига бориб республикамиз, шу жумладан районимиз хўжалигини юксалтиришда олга қараб яна бир катта қадам қўйилади. **Урсатьевск станциясида поездлар ҳаракати тўла равишда паровоздан тепловозга кўчирилади. 1959-1960 йилларда Урсатьевск посёлкасини сув билан тўла таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар қилинади ва бу мақсадга 7 миллион сўм маблағ сарфланади.**

Поезд бригадаларининг дам олиш уйи кенгайтириляпти, унда барча қулайликлар яратилади. Урсатьевск узели тўла равишда телефонлаштирилади.

**Посёлкада 1960 йили энг мукаммал медицина анжомлари билан жиҳозланган хотинлар консультацияси учун алоҳида бино қурилади. Бундан ташқари, станциянинг кўп изли жойида пиёда кишилар ўтадиган осма кўприк қуриш ва бунинг учун 600 минг сўм сарфлаш, темир йўл изларини кенгайтириш, Урсатьевск яқинидаги станция ва разъездларни электрлаштириш назарда тутилади.**

Етти йил мобайнида темир йўл Урсатьевск бўлимида уй-жой қурилиши кенг ҳажмда олиб борилади ва бунга **33 миллион сўм маблағ сарфланади. Фақат Урсатьевск посёлкасидагина 8 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой бинолари қурилади ва фойдаланишга топширилади. Янка тартибда уй-жой қуриш эса кенг кўламда олиб борилади.**

Районимиз экономикасида ғаллачилик етакчи ўринни эгаллайди. **1965 йилга бориб ғалла етиштириш 1958 йилдагига нисбатан қарийб беш баравар, маккажўхори етиштириш эса олти баравар кўпайтирилади.** Шунингдек, картошка, сабзавот, полиз экинлари ва мойли экинлар ҳосилини етиштириш ҳам анча кўпайтирилади.

Районимизда узумчилик яхши ривожланган ва уни бундан буён ҳам кенг кўламда ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Бу ерда узумнинг энг яхши майизбоп навлари етиштирилади. **Шу туфайли етти йил мобайнида узумзорларни 1958 йилдагига нисбатан етти баравар кўпайтириш мўлжалланади. Шу мақсадда келгуси йилнинг кўкламида 100 гектар ерга янги усулда ток кўчати экилади.** Ҳозир янгидан барпо қилинадиган ана шу токзорнинг ўрнини текислаш ва бошқа тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Районимиз асосан тўғлик зонада жойлашган бўлиб, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун катта қулайликлар мавжуд. Шу туфайли район чорвадорлари олдида етти йилликда жуда катта вазифалар турибди. **1965 йилга бориб йирик шохли қорамоллар сони 3 минг бошга, қўйлар сони 20 минг бошга кўпайтирилади, чўчқалар сони эса тўрт баравар оширилади. Бу—гўшт, жун, сут маҳсулотлари етиштиришни 2,5-3 баравар кўпайтириш имконини беради.** Шу билан бир қаторда чорва молларини илғор зоотехника фани қоидалари асосида боқиш ва парвариш қилиш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, яйловларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унга сув чиқариш юзасидан катта ишлар амалга оширилади.

Райондаги «Ховос» дон совхози экин экиладиган 21 минг гектар ерга эга. Лекин ана шу майдонларда ғалла ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштириш соҳасида бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда, чунки сув етишмайди. **Шу туфайли сув таңқислигига барҳам бериш учун район территориясида кичик ҳажмдаги 3 та сув омбори қуриш лозим, деб ҳисоблаймиз.** Бу соҳада бизга область сув хўжалиги бошқармаси ва геология-қидирув ташкилотлари яқиндан ёрдам беришлари лозим. Район партия активи йиғилишининг қатнашчилари ҳам ана шу талабни қўйдилар.

**Биринчидан, Ховос қишлоғига келадиган катта сойни Учтурган қишлоғининг юқори томонидан 10-12 метр баландликда бойланса, сув омбори ҳосил бўлади ва унда кўкламги сел ва ёмғир сувларидан 5-6 миллион кубометр сув тўпласа мумкин бўлади.**

**Иккинчидан, Хўжамушкент сойини қишлоқ этагидан икки километр пастдаги «Дарвоза» деб аталадиган жойдан 55-60 метр баландликда ва 120-130 метр кенгликда бойланса, яна бир сув омбори ҳосил бўлиб, унда 8-10 миллион кубометр сув тўплаш имконияти туғилади.**

**Худди шундай яна бир сув омборини «Ховос» дон совхозининг 2-бўлими территориясида — Юқори Сармич қишлоғи олдидаги сойни бойлаш билан вужудга келтириш мумкин.** Бу ҳар уччала мўлжалланган сув омбори қуриладиган жойда меҳнаткашлари бу тезисларни кенг муҳокама қилмоқдалар ва уни якдиллик билан маъқулламоқдалар. Шу билан бир қаторда район мактабларида таълим-тарбия ишларини қайта қуриш режалари белгиланаётир.

**Яқин йиллар ичида районда 880 ўринлик мактаб-интернат қуриш ва бунга 3 миллион сўм маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари мавжуд ўрта мактаблар базасида иккита 11 синфлик ўрта меҳнат-политехника мактаблари вужудга келтирилади.**

Район партия активи йиғилишининг қатнашчилари ёшларнинг 16 ёшдан бошлаб ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишларини таъминлашни назарда тутиб, мактабга болаларни 8 ёшга тўлгандан дейин қабул қилиш юзасидан илгари сурилган фикрни маъқуллядилар. **Шу билан бир қаторда улар ўқувчилар қишлоқ хўжалигида амалий тажриба олишларини ва бунинг учун практик машғулотларни кўпроқ ўтказишларини ҳисобга олиб, ўқув йилини 15 августдан бошлаш ҳақида таклиф киритдилар.**

Етти йиллик планнинг амалга оширилиши Ватанимизнинг куч-қудратини мисли кўрилмаган даражада оширади, совет халқининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада фаровонлаштиради.

Районимиз меҳнаткашлари етти йиллик планнинг контроль рақамларини қизғин маъқуллаш билан бир қаторда уни муваффақиятли амалга ошириш учун курашга шайланмоқдалар. Шубҳа йўқки, бутун совет халқи билан бир қаторда районимиз меҳнаткашлари ҳам коммунистик қурилишнинг партия томонидан белгилаб берилган улуғвор программасини турмушга татбиқ қилиш учун куч ва ғайратларини, билим ва тажрибаларини ишга соладилар.

**Ғ. ОБИДОВ,**
**Ўзбекистон КП Ховос район комитетининг секретари.**

## Газеталар саҳифаларида

КОММУНИЗМ ЙЎЛИ

—Мен 40 йилдан бери ўқитувчилик қиламан,— деб ёзади Янгийўл район «Коммунизм» колхозидаги 2-мактабнинг директори Ўртоқ А. Асроров колхоз кўп тиражли газетасида. — Бу вақт ичида анча тажриба орттирдим. Менга шу парса маълум бўлдики, агар бола меҳнатга ўрганган бўлса, у турмушда активлик кўрсатади, қийинчиликларга чидамли бўлади. Биз шуни ҳисобга олиб, ҳар бир ўқувчини ишга қобилиятли қилиб тарбиялашимиз керак. **Бизнингча ўқиш билан меҳнат бир-бирига боғлаб олиб борилсин. Лекин болани меҳнатга ўргатиш ва политехника таълими бирданига эмас, секин-аста, ёшлиидан, биринчи синфдан, ҳатто мактабгача ёшидан бошланиши лозим».**

* * *

Коммунизм тонгчи

Верхне-волинск районидаги Жданов номли мактабнинг директори Ўртоқ Д. Қўшоқов район газетасида ёзган мақоласида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш» ҳақидаги тезисларини қўллаб-қувватлаб қуйидагиларни ёзади:

«Мажбурий таълимнинг 8 йилликкга кўчирилиши — ўқувчиларнинг назарий ва политехника таълими билан қуролланишига кенг йўл очиб беради. Бу вақт ичида ҳар бир ёшда меҳнат малакалари ҳосил қилинади ва ўқишни битирганларидан кейин бевосита ишлаб чиқаришда қатнаша олади. Улар 8 йиллик мактабни битириб, пахтакор, чорвадор, пиллачи ёки механизатор бўлиб етишадилар. 9-11 йиллик мактабларда ёшлар ихтисосларини тағин ҳам ошириб, ўрта маълумотга эга бўлади. **Бизнингча 9-11 йиллик мактаблар сиртқи ёки кечки қилиб ташкил этилса, бу ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.** Бу эса болаларнинг меҳнатга бўлган кўникишларини ҳар тарафлама яхшилайди».

* * *

МЕХНАТ ЙЎЛИ

Ховос районида чиқадиган «Меҳнат йўли» газетасида 4-мактабнинг илмий бўлим мудири Ўртоқ Х. Ҳожиев **мактабларда таълим устахоналарини кенгайтириш, ўқувчи қизларни уй-рўзғор, бичиш-тикиш ишларига ўргатиш зарурлиги** ҳақида ёзади.

Қорасув районидаги Ленин номли колхозда катта теплица хўжалиги бор. Теплицада қиш кунларида ҳам сабзавот экинларидан ҳосил етиштирилади. Шу кунларда колхоз теплица комбинатида «Сталинград» сортли помидор ҳосили пишиб етилмоқда. Суратда: колхоз аъзоси Ўртоқ М. Мусаева помидорни чеканка қилаётир.

Х. Хайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Чиноз районида

### АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бу ерда аҳолини рўйхатга олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Район ижроия комитети рўйхатга олишга тайёргарлик ишлари планини тасдиқлади. Ҳисобчилар, инструкторлар ва контролёрлар танланди. Махсус бино ҳам ажратиб қўйилди. Ҳозир Статистика бошқармасининг район инспекторлари комсомол ташкилотлари билан биргаликда аҳоли ўртасида оммавий тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

### ЯНГИ КЛУБ

Райондаги «Коммунизм» колхози қишлоғи борган сари обод ва кўркам бўлмоқда. Бу ерда яқинда 300 кишига мўлжалланган ҳашаматли клуб биноси қуриб битказилди. Клубда тамоша ва лекция заллари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари учун махсус хоналар, радиоузел ва телефон станцияси бор.

### РЕМОНТ УСТАХОНАСИ

Район саноат комбинати радиоприёмник ва патефонларни ремонт қилувчи янги устахона очди. Устахона зарур ускуналар, ремонт учун керак бўлган асбоблар ва запас қисмлар билан таъминланган. Устахона меҳнаткашларга яхши хизмат кўрсатмоқда.

### МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Райондаги пахта тозалаш заводининг Нина Жевлякова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси шу кунларда КПСС XXI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Ҳар бир комсомол кундалик ишлаб чиқариш топшириғини ошириб бажариш учун курашмоқда. Нина Жевлякованинг ўзи ҳаммага намуна бўлиб, топшириқни 160-170 процент қилиб бажараётир. Илғор ишчилардан Қодирқулов, Асқаров, Жалиловлар ҳам топшириқни 125-140 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Б. ВАГНЕР.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

# Доимий комиссияларнинг яхши ташаббуси

Кейинги йилларда Қорасув район ижроия комитети хўжалик ишларига раҳбарлик қилишда ва колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашда катта муваффақиятларга эришди. Бу борада район советининг доимий комиссиялари олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир.

Қишлоқ хўжалик доимий комиссияси (раиси Ўртоқ А. Каримов) қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Доимий комиссия аъзолари колхоз ва совхозларда тез-тез бўлиб, уларнинг ишларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Масалан, илгари сабзини ўтоқ қилишда кўпгина ишчи кучи сарфланар ва бу иш узоққа чўзилар эди.

Доимий комиссиянинг раиси, Қорасув тажриба станциясининг агрономи Ўртоқ Абдураҳмон Каримов сабзини ўтоқ қилишда керосин қоришмаси билан сув бериш тўғрисида таклиф киритди. Унинг бу таклифи амалга оширилди. Сабзи орасидаги бегона ўтлар ўлдирилди. Бу эса кўплаб ишчи кучини тежаш, кам куч сарфлаб, кўп ҳосил олиш имкониятини берди.

Шунингдек баҳор пайтида «Победа», Сталин номли, «XVIII партсъезд» колхозларида агротехника қоидалари бузилаётганлиги, айниқса экинларни квадрат-уялаб экишга етарли эътибор берилмаётганлиги аниқланди. Доимий комиссия аъзолари бу масалани текшириб, район Советининг олдига қўйдилар. Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг мажлиси рўй берган камчиликларни тез орада тугатиш тўғрисида тегишли тадбирлар белгилади. Доимий комиссия аъзолари бу тадбирларни амалга ошириш учун колхозларга бориб, амалий ёрдам ҳам бердилар.

Доимий комиссиянинг раиси Ўртоқ А. Каримов колхозларда бўлиб, колхозчилар ўртасида қишлоқ хўжалик темаларида суҳбатлар ўтказади. Экиш ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан тўғри ва унумли фойдаланиш ҳақида тушунтириш ишлари олиб борди.

Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг ташаббуси ва яқиндан ёрдам бераётганлиги туфайли райондаги Свердлов номли, Ленин номли ва бошқа колхозларнинг чорва фермалари тўла механизациялаштирилди. 5 та типовой молхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Доимий комиссия аъзоси Ўртоқ М. Исмоилов бош бўлган Свердлов номли колхозининг чорвадорлари гўшт, сут, ёғ маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида АҚШ га етиб олиш вазифасини ҳозирдаёқ ошириб бажардилар.

Колхоз аъзолари ҳар 100 гектар экин майдони ҳисобига 65 центнердан гўшт олдилар. Ҳар бир соғин сигирдан (ноябргача) 3550 килограммдан сут соғиб олинди. Ўртоқ М. Исмоилов доимий комиссиянинг аъзоси сифатида бошқа колхозларда ҳам тез-тез бўлиб, ўзининг қимматли тажрибаларини ўртоқлашади.

Шу йил октябрь ойида доимий комиссия аъзолари райондаги барча колхозларда бўлиб, чорва қишловига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан қизиқдилар. Улар «XVIII партсъезд» колхозида (раиси Ўртоқ Р. Пўлатов), М. Горький номли колхозда (раиси Ўртоқ А. Абдиолиқов) чорва binolari ўз вақтида ремонт қилинмаганлиги ва натижада йил бошидан буён 88 та қорамол нобуд бўлганлиги, чўпонларга моддий-майший шароит яратиб берилмаётганлиги аниқладилар. Доимий комиссия аъзоларининг ташаббуси билан район ижроия комитетида чорва қишловига тайёргарликнинг борили ва колхоз фермаларини тўла механизациялаштириш масаласи муҳокама қилинди ва бу масала юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланди.

Доимий комиссиянинг аъзоси Ўртоқ З. А. Макарова зоотехник сифатида барча колхозларда бўлиб, колхозчилар ўртасида Партия ва Ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорлари тўғрисида суҳбатлар ўтказди, лекциялар ўқиди.

Район ижроия комитети барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини олди. Ҳозиргача район колхозларидаги боғларнинг 900 гектари ҳайдаб қўйилди. Пландаги 11 минг тонна ўрнига 15 минг тонна силос бостирилди, 18 минг тонна ем-хашак тайёрланди.

— Район меҳнаткашлари эришган бу муваффақиятларга доимий комиссиялар муносиб ҳисса қўшди. Бироқ, — дейди биз билан суҳбатда район ижроия комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Меҳриниса Убайдуллаева, — ишимизда бир қатор камчиликлар ҳам бор. Қорасув районининг саноати йил сайин ўсиб бормоқда. Бундан тўрт-беш йил муқаддам районимизда маҳаллий саноат деярли йўқ эди. Ҳозир эса газ станцияси, темирбетон конструкциялари заводи, Қўйлиқ подстанцияси, ёғ заводи ва бошқа шу сингари саноат корхоналари қурилди. Айниқса Қорасув районига темир йўлнинг келиши район саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш имконини бермоқда. Лекин саноат доимий комиссияси (раиси Ўртоқ Ғ. Ямомназаров) аъзолари саноат корхоналарида камдан-кам бўладилар. Корхоналарнинг ишлари билан жиддий шуғулланмайдилар. Саноат доимий комиссияси йил бошидан буён бирорта ҳам муҳим масалани район Советининг олдига қўйгани йўқ.

КПСС XXI съездида Ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган доклад тезисларида совет органлари етти йиллик план топшириқларини бажариш учун курашда актив иштирок этишлари, омма билан алоқани мустаҳкамлаш, давлат ва хўжалик аппаратини арзонлаштириш ва такомиллаштириш каби бир қатор вазифалар қўйилган.

Ҳозирги вақтда районимиздаги барча саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, халқ маорифи органларида мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг порлоқ режалари белгилаб берилган бу ҳужжатлар кенг муҳокама қилинмоқда. Доимий комиссияларнинг аъзолари, депутатлар ва район ижроия комитетининг масъул ходимлари йиғилишларда актив иштирок этиб, ишчилар, қишлоқчилар, интеллигентларнинг талаб ва эҳтиёжларини қунт билан ўрганмоқдалар. Бу эса район саноат корхоналари, колхозларга раҳбарликни янада яхшилаш, доимий комиссияларнинг ишчанлигини ошириш, қишлоқ Советлари ишларини ҳозирги кунининг юксак талаблари даражасига кўтаришга катта ёрдам беради.

Абдулла ИСМОИЛОВ.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

# Усти ялтироқ, ичи қалтироқ...

Бўка район марказига кирабериш да ҳашаматли бир бино қад кўтариб турибди. Унинг пештоқига йирик ҳарфлар билан «Ошхона № 1» деб ёзиб қўйилган.

Сиртдан қараган киши бинонинг безакларини, деразаларга тутилган оқ пардаларни кўриб, шу ерда бир овқатланишни ҳавас қилади. Афсуски, у, ошхона ичкарисидаги ҳангомалардан бехабар!

Сиз ичкарига қадам босингда, даставвал залга бир кўз югуртириб чиқинг: бай-бай-бай, садқайи бино кетсин-э! Шунақа ҳам ифлослик бўладими? Табиати шу қадар «равшан» қайси одам бу ошхонанинг мудири экан! «Қўллари гул» официантка хонимларга тасанно-е...

...Полга шишалар юмалатиб ташланган, айрим столларнинг тагида овқат чиқиндилари тўкилиб, суяклар сочилиб ётипти, хўрандалардан бўшаган столларнинг биронтаси ҳам йиғиштирилмаган, артиб тозаланмаган.

Официантка Мария Даниловаанинг парвойи палак, у шира қайф кишиларнинг пинжига суқулиб, бир сўмикки сўм ортиқча «чойчақа» олиш билан овора. Унинг ҳамтовоғи иккинчи официантка М. Егорова ҳам устозидан орқада қолса қулоғини кесадиганлардан. Буфет мудири Иван Шейхни айтмасизми, у буфет атрофини ўраб олган «клиентларини» муташ билан банд! Қандингни ур, шоввозлар-э!!!

Қандай қилиб, бу ерда овқатланишни таъбинги тортди, энди. Ҳар қалай «Шикоят дафтари»га бир нима ёзиб, эсдалик қолдиришдан бошқа чорангиз йўқ.

«Официанткa М. Даниловага нон келтиринг десам, — деб ёзади хўрандалардан Г. Виктор, «нонимиз тамом бўлди» жавобини берди. Шу пайтда буфет мудири Иван Шейх ўз клиентларига бухонкалаб нон сотаётган эди. хўрандалардан И. Гивишенко, А. Мустафинлар бу найрангнинг гувоҳи бўлдилар...»

«Овқатлар ҳаддан ташқари сифатсиз бўлгани устига граммлари ҳам менюда кўрсатилганича тўғри келмайди, — деб ёзган М. Қодиров,— официантка Данилова: «гарнири картошка» деб алдаб, рагуни тузланган карам билан олиб келди, қоқ суяк гўшт 50 грамм ҳам келмайди...»

Бунақанги шикоятларнинг саноғи йўқ, буфет мудири Иван Шейх адресига ҳам «ширин» гаплар ёзилган.

Эҳе, гапираберсанг гап кўп. Ўртоқ С. Гиоргиев мудирлик қилаётган ошхонанинг таърифига тил ҳам, қалам ҳам ожизлик қилади. Бир сўз билан айтганда Бўка районидаги «1-ошхона»нинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ экан...

У. ЖОНГИТОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

«Октябрь революцияси» номли паровоз-вагон ремонти заводи остнастка цехининг токари Сергей Поляков энг илғор ишчилардан ҳисобланади. У съездолди вахтасида туриб ишлаб, шу кунларда смена нормасини 200 процентга етказиб бажараётир. Суратда: Ўртоқ Поляков иш устида.

М. Комлев фотоси.

## Савдо шохобчаларидан хабарлар

Қуйи Чирчиқ районидаги канопжут заводи ишчилар кооперациясининг ходимлари йиллик савдо планини муддатидан олдин бажариб, истеъмолчиларга 12 миллион сўмлик товар сотдилар. Улар йил охиригача қўшимча равишда яна 2 миллион сўмлик товар сотиш мажбуриятини олдилар.

Қ. Першеев.

* * *

Чирчиқ шаҳридаги электр химия комбинатининг ишчи-таъминот бўлими илғор савдо ташкилотларидан бири ҳисобланади. Бу савдо ташкилотининг ходимлари аҳолига ҳозиргача 51 миллион сўмлик товар сотдилар. Давлат планларини ошириб бажарган савдо ходимлари пул билан мукофотландилар.

Т. Сихарулидзе.

* * *

Оҳангарондаги 1-рабкоопга қарашли 6-магазин мудири коммунист Ҳ. Ҳайитқулов Пуш қишлоғи аҳолисининг ҳурматига сазовор бўлмоқда. У ойлик ҳамда квартал планларини муддатсиз равишда ошириб бажаради.

Т. Шералиев.

* * *

Маълумки ҳозир бутун куч пахта далаларига сафарбар қилинган. Колхозчилар, совхоз ишчилари, шаҳарлик меҳнаткашларни керакли зарур буюмлар билан ўз вақтида таъминлаб туриш савдо ташкилотларининг бурчидир.

Бироқ шунга қарамай Оржоникидзе районидаги айрим қишлоқ лўконларида аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат ҳамда кийим-кечак етишмайди.

Район матлубот кооперацияси ходимлари (раиси Ўртоқ И. Назирова) аҳолининг эҳтиёжи билан қизиқмайдилар. Улар пахтакорларга зарур буюмларни етказиб бериш ишига панжа орасидан қарамоқдалар. Бундай парвосизликка хотима бериш вакти етган бўлса керак.

В. Даҳибоев.

ФЕЛЬЕТОН

# Миси чиқди

Ҳаш-паш дегунча уйнинг қадди кўтарилди. Энди унинг ичкарисида суворчилар, электросваршчиклар, бўёқчилар ва бошқа ҳунармандлар тимискиланиб юришибди. Уйни қабул қилиб олувчиларнинг фикрихаёли иморатда. Наққошлар эса, уларга ўчакишгандай алиф ҳидини анқитиб, бемалол уйни безатишарди. Шу пайт бино олдига такси келиб тўхтади. Ундан 48 ёшлар чамасидаги серсавлат киши билан кўзлари олазарак бўлиб турган яна бир одам тушди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам юрайми-юрмайми дегандай қадам босишиб, хирмонда ҳозир бўлдилар.

— Шундай қилиб, Николай Александрович, нималарни таклиф қилмоқчисиз, — деди ҳалиги машинадан тушган киши шеригига.

— Нима десангиз муҳайё бўлади, Юрий Борисович, ана кўринг. Ҳув иккинчи қаватдаги тўртта квартирадан иборат уй сиз учун. Истаган шароитингиз унда мавжуд, — деб мақтай кетди Николай Александрович, — ванна, телефон, газ ҳам бўлади.

Юрий Борисович худди сиқ-ғарлардай қулоқ соларди. У қўлларини кўксига қўйиб ҳамсуҳбатининг оғзига қарайди. Иккинчиси эса, гуноҳкорга жаннатни кўрсатгандай давом этади:

— Мана шу қопона саройнинг бор-йўқ баҳоси 35 минг сўм турали, сиз учун кепак нархи билан баравар.

Юрий Борисович электр токи теккандай чўчиб тушди, сўнгра дудуқланиб:

— Арзонроқ қилишнинг иложи йўқми? — деб сўрайди.

— Росаям хасис экансиз-да, гражданин Финкельштейн. Арзонроқ эмиш! Шоҳона шароит бўлатуриб судхўрлардай қалтирайсиз. Арзон қилиш ҳам мумкин. Марҳамат! Ҳув анови квартирани кўринг. Уч хонали, ошхонаси ва бошқа қулайликлари бор. Пули 25 минг сўмгина. Агар бунга ҳам қувватингиз етмаса, учинчисини таклиф қилишим мумкин. Учинчи қаватта бир қаранг. Унг томондаги икки ойнали, балконли уйни кўрдингизми? Бу ҳам ёмон эмас. Барча шароит мавжуд. Баҳоси атиги 18 минг сўм.

Бу воқеадан 3-4 кун ўтмай Тошкент шаҳар Ленин районидаги 25-поликлиникининг врачи Ю. Б. Финкельштейн бола-чақа ҳамда дўстларига янги уй эгаси эканлигини тантана билан эълон қилди. «Пулга ҳамма нарсани олиш мумкин, пулга ҳамма нарсани қилиш мумкин. Мана менга бўлажак уйим 16 минтга тушди. Бир сўз билан айтганда юзта дўстинг бўлгандан кўра юз сўм пулинг бўлгани яхши экан».

Кунлар ўтди, янгидан-янги ишлар бўлди, уйлар тикланди. Финкельштейн эса ҳамон сотиб олган уйига чақирилишини кутиб юрар эди. У кутган кун ҳам келди. Уни уйга эмас, прокуратурага таклиф қилдилар. Қабулхонада жуда кўп таниш ва нотаниш одамлар ўтирар эди.

Бу ерда «Гастроном» инспектори Иванов, 7-«Гастроном»нинг мудири Бегляров, Тошкент универмагининг омборчиси Козлов ҳам пайдо бўлиб қолипти. Ундан кейин «Искра» артелининг бош механиги Беленко ва «Ўзбекистон 25 йиллиги» артелининг омбор мудири Файнлой ҳам келиб қолишди. Проект конторасининг инженери Троянский сўнгроқ келди. Ундан ташқари ҳар хил ҳунар эгалари ҳам, масалан Тошкент консерваториясининг ўқитувчиси Васильев, ўрмон қурилиши райконтораси план бўлимининг бошлиғи Савельевалар ва бошқалар ҳам шу ерда эди.

Пенсионер Яхтман билан Ицковская хаёлга чўмиб, қабулхонанинг бурчагида ўтирар эди. Ўтирганларнинг қэронғи фикрлари охирги чегарага етган пайтда эшик очилиб, милиционерлар кузатувида ўша таниш Николай Александрович Черновнинг саловатли қиёфаси намоён бўлди.

Кўп турмалар билан таниш бўлган бу олиҳиммат Николай Александрович прокурор кабинетига киргач, алянчли муттаҳамга айланди. Каллоб Чернов шароитга қараб ўзини дам файласуф, дам инженер деб таништиб келган эди.

У қонунсиз квартира олиб бераман деган ялтироқ ваъда учун мана шу прокурор қабулхонасида ўтирганларнинг ҳар биридан 5 мингдан то 16 минг сўмгача пул олганлигини, қонунни бузиб енг ичида ўзига пул берган кишиларнинг бирортаси ҳам ҳеч қандай квартира ололмаслигини жуда яхши билар эди. Шунинг учун ҳам у пулларни олиб Тошкентдан қочмоқчи эди. Бўлмади, миси чиқди. Хўш, қабулхонада ўтирган гуноҳларни нима қилиш керак? Ахир улар ўз ихтиёрлари билан пулни Черновнинг қўлига киритиб: «Азизим, қонун-қоидаларга тупургин-да бизларни уй-жойли қил», деб ялинганлар-ку! Бўлмади: одамлар айтгандай пуллар йиғлаб кетди.

Гуноҳлар бирин-кетин прокурор қабулхонасидан чиқишар экан, фирибгар Чернов нима деб жавоб берганини билишга қизиқардилар. Гуноҳлар энди ҳаммаёққа жар солиб ҳамкасблари ва ёр-биродарларига Чернов сингари фирибгар, муттаҳамлар борлигидан шикоят қиладилару, лекин қонунни четлаб ўтмоқчи бўлган ўзлари ҳақида гинг ҳам демайдилар. Улар айтмаса биз айтамиз. Буни ҳамма билиб қўйсин.

Акмал ПУЛАТ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## „Лампа шишалари нега йўқ?“

**Газетамизнинг шу йил 28 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган хатда Тошкент шаҳрининг савдо тармоқларида лампа шишалари сотилмаслигидан шикоят қилинган эди.**

**Шаҳар савдо бошқармаси бошлиғи ўртоқ Туркованинг редакцияга маълум қилишича, текшириш натижасида шикоят тўғри деб топилган ва шаҳар магазинларига аҳоли эҳтиёжига зарур бўлган лампа шишаларини кўплаб чиқариш чоралари кўрилган.**

# Шудгорлаш суръатини кучайтирайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган областимизнинг колхоз ва совхозлари далада қолган ҳосилни йиғиштириб олиш билан бирга кузги-қишки талбирларни ҳам амалга оширмоқдалар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини оширишда ерни шудгорлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Буни яхши тушунган илғор хўжаликлар техника кучларидан, қишлоқ хўжалик асбобларидан яхши фойдаланиб, шудгорлашни ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

Қорасув районининг колхозларида биринчи декабрга қадар шудгорлаш плани 103 процент, Тошкент районида 65,6 процент, Қуйи Чирчиқ районида 56,9 процент, Оҳангарон райони совхозларида 51,6 процент бажарилди. Бу районларнинг меҳнаткашлари, совхоз ишчилари ишни конвейер усулида ташкил этиб, ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгор қилмоқдалар. Трактор парклари кучидан тўла фойдаланилаётганлиги, механизаторлар, колхозчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароит яратиб берилганлиги туфайли шудгорлаш суръати кучаймоқда.

Лекин умуман олганда областимизда шудгорлаш қониқарсиз бормоқда. Ноябрнинг охиригача 302 минг гектар ерни шудгорлаш планлаштирилган бўлса, шундан атиги 57,5 минг гектар ер шудгор қилиниб, план 19 процент бажарилди. Натижада асосий ишларни декабрь ойида бажариш зарур бўлиб қолди. Пахта далаларини шудгорлаш деярли бошланмаганлиги жуда катта камчиликдир. Колхоз ва совхозлар қисқа вақт ичида 1959 йилда чигит экиладиган ерларни шудгорлашни тугаллашлари керак.

Баъзи бир колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари шудгорлаш юзасидан белгиланган топшириқнинг бажарилишига эътиборсизлик билан қарамоқдалар, ғанимат фурсатни қўлдан бой бермоқдалар. Масалан, декабрнинг бошларига қадар Оққўрғон районининг колхозларида шудгорлаш плани фақатгина 6,1 процент, Бекобод районида 5,9 процент, Верхне-волинск районида 7,2 процент, Мирзачўл районида 6,8 процент, Октябрь районида 6,2 процент, Сирдарё районида 6,1 процент бажарилган, холос. «Фарҳод» совхози (директори Ўртоқ Ботиров)да шудгорлаш плани 2,9 процент, 1-«Далварзин» совхозида (директори Ўртоқ Норматов) 7,1 процент, «Чаноқ» совхозида (директори Ўртоқ Игнатенко) 8,4 процент, «Гулистон» совхозида (директори Ўртоқ Ганиев) 6,6 процент, «Мирзачўл» совхозида (директори Ўртоқ Бегимқулов) 1,2 процент бажарилган. «Ҳовос» совхозида шудгорлашга ҳалига қадар киришилмаган.

Шудгорлаш ишлари нима учун бу қадар суст бормоқда? Умумий қолоқлик сабабларини айниқса «Мирзачўл» совхози мисолида яққол кўриш мумкин. Маълумки, совхоз янги ташкил қилинган хўжаликлардан бўлиб, иқтисодий жиҳатдан ҳали яхши мустаҳкамланмаган. Бироқ совхознинг ерлари ҳосилдор, бу хўжалик зарур техника ва механизатор кадрлари билан яхши таъминланган. Совхозда планда белгиланганидек 2800 гектар ер шудгор қилиниши лозим. Аммо ноябрь ойи ичида ҳаммаси бўлиб 31 гектар ер шудгор қилинган. Ваҳоланки маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан 500 гектардан ортиқ ер аллақачон бўшаган эди. Шунингдек, минг гектар ердаги пахта ҳам аллақачон териб олинган. Бу ерларни шудгорлаш учун барча имконият бор бўлишига қарамасдан, нима учундир шудгорлаш кучайтирилмаётир. Совхоз директори Ўртоқ Бегимқулов зарур тадбирларни амалга оширмаётир. Бош агроном Ўртоқ Амброзяк ҳам пахта терими билан овора бўлиб кетдим, деган баҳона билан келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик кўриш, шудгорлашни қизғин юборишга етарли эътибор бермаётир. Мавжуд ҳайдов тракторларининг ярмидан кўпи декабрь ойига қадар баҳорикор ерларда ишлатилиб, дон экиш ишларини бажарган.

Барча механизмлар ва техникани шудгорлаш юзасидан белгиланган планнинг муваффақиятли бажарилишига тахт қилиб қўйиши лозим бўлган бош инженер Ўртоқ Степенко ҳам ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарамоқда. У ер ҳайдаш ишлари билан агрономлар шуғулланиши лозим деб, бу муҳим ишдан ўзини четда олиб юрибди. Шунинг учун ҳам техникани тайёрлаш ишлари талабга жавоб бермайди. 31 та ҳайдов тракторидан атиги 19 таси ремонтдан чиқарилган. Кўплаб плуглар ҳалигача тайёрланмаган. Шунинг учун ҳам тракторчилар далага чиқолмасдан турибдилар Совхоз мутахассислари ўзларининг фаолиятсизликларини оқлаш учун турли баҳоналарни рўкач қилиб, ташкилий ишларни ижоллик билан амалга ошириш учун курашмаётирлар.

Ремонт-техника станцияларининг ишларидаги йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам шудгорлаш суръатининг кучайтириб юборилмаётганлигига сабаб бўлаётир. Бу ўринда ҳам Мирзачўл районидаги ремонт-техника станциясининг колхозларга хизмат қилишда фаолиятсизлик кўрсатаётганлигини айтиб ўтишга тўғри келади. Станция директори Ўртоқ Назаров колхоз ва совхозларга етарли ёрдам бермаётир. РТСда кўпгина ҳайдов тракторлари ва плуглар запас қисмлар етишмайди деган баҳона билан ҳалигача ремонтдан чиқарилмаган. Фактлар РТСнинг оперативлик билан иш юритмаётганлигини кўрсатмоқда. Колхозларга минерал ўғитларни етказиб бериш ишлари ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмаган. РТС инженерлари колхозларда камдан-кам бўлиб, техниканинг назоратдан ўтказилишига ёрдам бермайдилар. Трактор бригадаларига тракторларни ремонт қилишда техника ёрдами кўрсатилмаётир. Сабаби кўчма устахоналар яхши ишламайди. Ваҳоланки колхозлар билан келишиб туриб, бу кўчма устахоналарда ишловчиларнинг ишига ҳақ тўлашни таъминлаш мумкин.

Район ижроия комитетлари ҳузуридаги қишлоқ хўжалик инспекциялари ҳам бу соҳада фаолиятсизлик кўрсатмоқдалар. Бошлиқлар ва агрономлар кўпинча текшириш, справка тўплаш, докладлар ёзиш, мажлисларда қатнашиш сингари ишлар билан овора бўлиб қолиб, амалий иш билан камдан-кам шуғулланмоқдалар. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалик инспекцияси ходимлари колхозларга камдан-кам борадилар, совхозларга эса деярли чиқмайдилар. Улар совхозлардаги ишнинг борили билан фақат сволка орқали танишадилар. Буларнинг ҳаммаси жойлардаги қишлоқ хўжалик органларининг колхоз ва совхозлар ишига яхши раҳбарлик қилмаётганликларини кўрсатади. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва область совхозлар трести бу аҳволни диққат билан ўрганиб, РТС ва МТСлар совхоз ва колхозларга район қишлоқ хўжалик инспекцияларининг раҳбарлиги, ёрдамини янада кучайтириш тўғрисида амалий тадбир белгилашлари керак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область партия комитети ва область ижроия комитетлари ҳосилни йиғиб-териб олиш, далаларни тозалаш, ғўзапоянни корчовка қилиш ишларини бирбири билан боғлаб олиб бориш тўғрисида кўрсатмалар берганда колхоз ва совхозлардаги асосий майдонларни шудгорлаш юзасидан зарур ишларни амалга оширишни белгилаган эдилар. Ёнингарчиликлардан сўнг ер ҳайдаш ишларини муваффақиятли ва сифатли ўтказиш учун имконият туғилди. Шунга қарамасдан ташкилий ишлардаги камчиликлар шудгорлашнинг кенг кўламда кучайтириб юборилишига, мавжуд трактор паркларининг ишга туширилишига ҳалақит бераётир.

Декабрь ойида пахта далаларини шудгорлаб бўлишга эришиш учун қатор тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Бу соҳада коммунистга комсомоллар раҳбарликни ўз қўлларига олиб, ишда авангардлик ролини ўйнашлари керак. Район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари механизатор кадрлар — колхоз ва совхозлардаги механик-ҳайдовчилар ва тракторчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, ударнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча моддий ва маданий шароитларни яратиб беришлари керак. Тракторчиларни иссиқ кийим, пойафзал ва иссиқ овқат билан таъминлаш зарур. Аммо базибир хўжаликларнинг раҳбарлари — совхоз директорлари ва колхоз раислари бу муҳим ишга етарли эътибор бермайдилар. Қишки шароитда ишлаётган кишилар тўғрисида камдан-кам ғамхўрлик қиладилар. Шудгорлаш ишларининг ташкил қилиниши ва унинг сифатини текшириш қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекцияси ходимлари ва совхозларининг бош агрономлари зиммасига юкланади. Бунда бош агрономлар идора ишларидан озод қилинишлари керак, токи улар бутун декабрь ойи ичида бевосита далада, механизаторлар билан бирга бўлиб, ишнинг бажарилишини яхши контроллик қилиб бориш имкониятига эга бўлсинлар.

Колхоз раисларининг механизация ишлари бўйича ўринбосарлари, агрономлар, совхозларнинг бўлим бошлиқлари ва агрономлари, колонна механиклари трактор бригадаларида ташкилий иш билан бевосита шуғулланишлари, ҳайдалиши лозим бўлган ерларни ажратиб тахт қилиб туришлари, далада тракторни ремонт қилиш учун техника ёрдами кўрсатишлари, ёқилғи, мойлаш материаллари, сув ва бошқа нарсаларни келтириб туриш учун транспорт воситаларини биркитиб қўйишишни таъминлашлари керак. Хоналарни трактор бригадаларининг туриши учун мослаб жиҳозлаш талаб қилинади, токи у ерда тушлик овқат тайёрлаш, тракторчиларга чой қайнатиш имконияти бўлсин. Трактор бригадалари ишчиларига газета ва журналларни ўз вақтида келтириб бериш зарур. Далаларга радиоприёмниклар ўрнатиб, уларнинг яхши дам олишини ташкил қилиш керак.

Кўпгина трактор бригадаларида ҳозир ҳам тракторчилар етишмайди. Шунинг учун ҳам тракторларнинг икки сменада ишлаши мумкин бўлмаётир. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда колхоз ва совхозларда илгари тракторчилик қилиб келган жуда кўп кишилар бор. Буларнинг айримлари ҳозир бошқа ишлар билан шуғулланмоқда. Мутахассис кадрларни танлаб олиб, уларни ер ҳайдаш ишларига жалб этиш, моддий жиҳатдан манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда иш билан таъминлаб, бу ўртоқларга шудгорлашнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш, 1959 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан шудгорлашнинг муваффақиятли ўтказилишига боғлиқ эканлигини уқтириш лозим.

Шу мақсада ҳар бир колхоз ва совхозда механизаторлар, агрономлар, РТС ходимларининг иштироки билан ишлаб чиқариш кенгашлари ўтказиб, шудгорлашни кучайтириб юбориш юзасидан тадбирлар белгилаш, тракторчиларнинг таклифларини ўрганиш, ҳар бир хўжалик олдида турган вазифанинг бажарилишини атрофлича муҳокама қилиш керак. Бу тадбир комсомоллар ва ёшларни ишга тўла сафарбар этиб, техникадан яхши фойдаланиш ва механизаторларнинг иш унумини ошириш юзасидан уюштирилган социалистик мусобақанинг оммавий равишда кучайтириб юборилишига ёрдам беради.

Колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари далада қолган ҳосилни нобут қилмай, йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ташкил этишлари, далаларни шудгорлашга яхши тайёрлаб, қиска муддат ичида бу ишнинг сифатли бажарилишини таъминлашлари ва КПССнинг XXI съездини ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар билан кутиб олишишни таъминлашлари лозим.

П. НОВОСЕЛЬЦЕВ.

**Ўзбекистон КП Тошкент область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.**

## АТОМ ВА ВОДОРОД ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИНИ ТҮХТАТИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЖЕНЕВА КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг Совет комитети миллион-миллион совет кишиларининг қатъий иродасини бажо келтириб, Буюк Британия, АҚШ ва СССР нинг вакиллари бўлган сизларга ядро синовлари ҳамма жойда ва абадий тўхтатилиши учун ҳамма чораларни кўришни қатъий равишда ўтиниб мурожаат қилади. Жаҳон жамоатчилиги сизлар олиб бораётган музокараларнинг боришини 5 ҳафтадан бери зўр эътибор бериб кузатиб турибди. Халқлар бизнинг овозимизни, ақл-идрок ва виждон овозини сизлар албатта эшитасизлар ва Женева кенгаши, ниҳоят, одамларни ялпи равишда қирадиган қуролларнинг янгидан-янги намуналарини яратиш соҳасидаги мусобақага абадий хотима берадиган ҳамда ҳозирги ва келажак авлодларнинг сиҳат-саломатлигига бўлган таҳликани тугатадиган битимга келади, деб кутмоқдалар.

Кимки, ядро қуролининг ҳамма турларини синашни ҳеч бир кечиктирмай тақиқлашга қарши чиқса, у, инсоният олдида, тарих олдида жуда катта масъулиятни ўз устига олади.

Ҳозирги замоннинг энг улуғ кашфиётларидан бири бўлган атом энергиясидан инсоннинг бахт-саодати учун эмас, балки инсонни ўлдириш учун, қирғин ядро уруши тайёрлаш учун кимки фойдаланса, уни инсоният кечириши мумкинми, ахир? Ўт билан хатарли ўйнашишни қандай важлар билан оқлаш мумкин?

Биз барча совет кишилари номидан атом ва водород бомбаларининг синовларига хотима беришни қатъиян талаб қиламиз.

Сизлар тўла битимга келиш йўлида олга томон жиддий қадам қўйганлигингизни эшитиб чин кўнгилдан қувондик.

Биз сизларни энг кечиктириб бўлмайдиган, энг кескин, энг зарур проблемани ижобий ҳал этишга қизғин даъват қиламиз.

Халқларнинг оташин истакларига жавобан, атом ва водород бомбалари батамом тугатилади, деб айтингиз!

**Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети**

## ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚОҲИРА, 8 декабрь. (ТАСС). Бугун эрта билан Қоҳирада Осиё ва Африка мамлакатларининг иқтисодий конференцияси очилди. Конференцияда 39 мамлакат (Осиёдаги 26 мамлакат ва Африкадаги 13 мамлакат) вакиллари, шу жумладан Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи вакиллари ҳам қатнашмоқда. Конференцияни Бирлашган Араб Республикаси президенти номидан Бирлашган Араб Республикаси экономика министри Абдул Мунайм Алқайсуний очди. У ўз нутқида халқаро савдони кенгайтиришда Осиё ва Африка мамлакатларининг ҳаракатларини координация қилиш зарурлигини таъкидлади.

Конференциянинг Гана, Судан, Ҳиндистон, Япония, Ироқ, Индонезия, Хитой Халқ Республикаси ва Бирлашган Араб Республикаси вакилларидан иборат составдаги тайёргарлик комитети конференциянинг дастлабки кун тартибини ишлаб чиққан. Бу кун тартиби ялпи мажлисда тасдиқланиши лозим.

## «БИЗ ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ АСТОЙДИЛ ТИЛАЙМИЗ»

**Афғон журналистининг СССРга қилган сафари тўғрисида айтганлари**

КОБИЛ, 8 декабрь (ТАСС мухбири А. Бирюков). «Известия» газетасининг таклифига биноан яқинда Совет Иттифоқида меҳмон бўлган афғон матбуоти ходимлари делегациясига бошчилик қилган «Хивад» газетасининг муҳаррири Муҳаммад Шоҳ Аршод бу сафардан олган таассуротларини ТАСС мухбирига айтиб берди.

Аршод Совет Иттифоқининг турмушнинг турли соҳаларида эришган жуда катта муваффақиятларига қойил бўлганлигини айтиб, СССРда афғон делегациясининг аъзолари самимият, хурсандчилик ва дўстлик ҳислари билан кутиб олинганлигини айниқса таъкидлади. Олдий ишчидан тортиб, раҳбар арбобларга қадар совет кишиларининг ҳаммаси, — деди у, — бизни ғоят самимият билан қабул қилдилар.

Афғонистон билан СССРнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши бир-биридан фарқ қилишига қарамай, — деб давом қилди Аршод, — ҳар иккала мамлакат тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказмоқдалар. Иккала мамлакатимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бошқа мамлакатлар ва халқлар учун ибрат бўлмоқда.

Аршод СССР билан Афғонистон ўртасида алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамиятига тўхталиб, раҳбар давлат арбобларининг бир-бирларига боришлари, шунингдек иқтисодий ва маданий делегациялар ҳамда бошқа делегацияларнинг бир-бирларига боришлари халқлар ўртасида дўстликни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнаганлигини кўрсатиб ўтди. Ҳар иккала мамлакатнинг кейинги вақтларда бир-бирларига делегациялар юборганликлари бу яхши ишга анча ёрдам берди.

Москва ва Ленинград университетларида, — деди сўнгра Аршод, — пушту тилига доир катта тадқиқотлар олиб борилаётганлиги бизни ҳайратда қолдирди ва қувонтирди. Бу ўқув юртларининг ўқитувчилари биз билан пушту тилида жуда яхши гаплашдилар.

Аршод халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари СССРда эълон қилинганлигига тўхталиб айтдики, бу планнинг амалга оширилиши натижасида Совет Иттифоқи ва айниқса унинг Ўрта Осиё республикалари, менинг фикримча, ўзларининг ёркин келажаклари сари олга томон катта қадам қўядилар.

Суҳбатнинг охирида Аршод бундай деди: Биз СССРга афғон халқининг дўстлик ниятларини олиб бордик. Совет кишиларининг ҳам Афғонистон халқига бўлган шундай дўстлик ниятларини ўз ватанимизга олиб келдик. Биз халқларимиз ўртасида дўстликнинг ривожланишини, Совет Иттифоқи халқлари бахтли-саодатли бўлишини астойдил тилаймиз. Истагимиз шуки, бизнинг дўстлигимиз кундан-кунга мустаҳкамлансин ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам берсин.

## ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ХАНОЙ, 8 декабрь (ТАСС). Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг шу йил ноябрь ойида бўлиб ўтган кенгайтирилган 14-пленуми тўғрисида бугун бу ерда информацион билдириш эълон қилинди. Пленум Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоларидан Ле Зуеннинг халқаро аҳвол тўғрисидаги докладини, Нгуен Зуй Чиннинг 1958-1960 йилларда экономикани ривожлантириш ва социалистик асосда қайта қуриш уч йиллик плани тўғрисидаги докладини ҳамда Чионг Тиннинг аграр ислоҳоти якунлари тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленум Вьетнам Демократик Республикасининг халқаро ва ички аҳволига берилган баҳони назарда тутиб, Шимолий Вьетнамнинг яқин йиллардаги асосий вазифаси шимолда социализм қурилишини тезлаштириш учун қулай шароит яратиш мақсадида социалистик ўзгартишларни амалга оширишдан иборат, деб якдиллик билан эътироф этди.

Пленум қишлоқда кооперативлаштиришни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ҳамда умуман Вьетнам Демократик Республикасида социалистик ўзгартишларни тезлаштиришнинг асосий шарти деб ҳисоблаш зарур, деб таъкидлади.

Пленум экономикани ва маданиятни ривожлантириш уч йиллик планининг асосий вазифаларини белгилади. Планда 1960 йилга бориб шолининг ялпи ҳосилини камида 7.600 минг тоннага етказиш (дастлабки маълумотларга кўра бу йил 4,5 миллион тонна йиғиб олинган. — Редакция изоҳи); ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш (шу жумладан, такомиллаштирилган қишлоқ хўжалик қуроллари ишлаб чиқариш); чўян ва пўлат ишлаб чиқарадиган база корхоналари қуришга киришиш, яна бир қанча электростанциялар қуриш, Вьет, Чида, Тай Нгуенда ва бошқа жойларда янги саноат марказлари вужудга келтириш; суғориш системасини, алоқа ва транспорт системасини кенгайтириш; аҳолининг доим ўсиб бораётган эҳтиёжларини аста-секин қондириш мақсадида кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тобора ривожлантириш кўзда тутилади.

Турли соҳаларда миллий кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, мустамлакачилардан мерос бўлиб қолган ишсизликни асосан тугатиш вазифалари ҳам кўзда тутилади.

Пленум социализм қуриш ва мамлакатни бирлаштириш соҳасида ўзи илгари сурган вазифалар ва мақсадлар муваффақият билан амалга оширилади, деб қаттиқ ишонч билдирди.

## Тўсатдан ҳужумнинг олдини олиш чоралари масаласи билан шуғулланувчи экспертлар кенгаши

ЖЕНЕВА, 8 декабрь. (ТАСС). Тўсатдан ҳужумнинг олдини олиш чоралари масаласи билан шуғулланувчи экспертлар кенгашининг бугун АҚШ вакили раислигида ўтган навбатдаги мажлисида СССР, Румония ва АҚШ вакиллари сўзга чиқиб, баёнот бердилар.

Эндиги мажлис 9декабрга тайинланди.

## АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИНГ АККРАДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КЕЛДИ

АККРА, 9 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг 8 кишидан иборат делегацияси кеча бу ерга келди. Делегацияга Ашхобод университетининг ректори Пигам Азимов бошчилик қилмоқда. Совет делегатлари Африка халқлари конференциясида кузатувчилар сифатида қатнашадилар.

## Оккупация режими шароитида ўтказилган сайлов

БЕРЛИН, 8. декабрь (ТАСС мухбири Вл. Иванов). Кеча Ғарбий Берлинда шаҳар ва район депутатлар мажлисига сайлов ўтказилди. Бу сайловда 6 та сиёсий партия, шу жумладан Германия Бирлашган социалистик партияси қатнашди.

Бу сайлов оккупация режими ҳамда Германия Бирлашган социалистик партияси аъзоларига ва бу партиянинг ҳамма тарафдорларига қарши полиция террори авж олган шароитда ўтди. Демократик матбуот хабарларида айтилишича, йил бошидан бери Ғарбий Берлинда Германия Бирлашган социалистик партиясининг активларидан 1300 дан кўпроқ киши қамоққа олинган. «Трибюне» газетасининг хабарига қараганда, фақат кейинги 3 кунининг ўзидагина Ғарбий Берлин полицияси Германия Бирлашган социалистик партиясининг аъзолари ва бу партиянинг тарафдорларидан 350 кишини қамоққа олган.

Сайловолди кураши вақтида ҳамма ўнг партиялар Германия Бирлашган социалистик партиясига қарши бирлашдилар. Улар Германия Бирлашган социалистик партиясига қарши бирлик фронти туздилар. Бу партиялар ўзларининг жуда кўп хитобномаларида ва баёнотларида Германия Бирлашган социалистик партиясининг кандидатларини ёқлаб овоз берган кишиларнинг ҳаммасидан ўч оламиз деб таҳдид қилдилар. Сайловолди кампанияси вақтида Ғарбий Берлин ҳукумат маъмурлари матбуотда, радио ва телевидение орқали Германия Демократик Республикасига, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши туҳмат ва бўҳтонларни авж олдирдилар. Оккупация режимининг ва совуқ урушнинг тарафдорлари Совет ҳукуматининг Берлин масаласи тўғрисидаги таклифларини сохталаштириб ва бузиб кўрсатдилар.

Мана шулар натижасида Ғарбий Берлин аҳолиси ўз ҳоҳишини эркин равишда билдириш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, Ғарбий Берлиндаги сайловда 1.632 минг 373 киши, яъни ҳамма сайловчиларнинг 93,1 процента қатнашди. 849.883 киши, яъни овоз беришда қатнашганларнинг 52,6 проценти Германия социал-демократик партияси кандидатларини ёқлаб овоз берган; 608.927 киши, яъни сайловда қатнашганларнинг 37,7 проценти ХДС кандидатларини ёқлаб, 61.054 киши, яъни сайловда қатнашганларнинг 3,8 проценти эркин демократик партия кандидатларини ёқлаб овоз берган.

Шундай қилиб, Аденауэр партияси бўлган ХДСнинг Ғарбий Берлинда ҳукмрон партия бўлиш умиди рўёбга чиқмай қолди.

Германия Бирлашган социалистик партиясини ёқлаб 31.520 (1,9 процент) овоз берилди.

Сайловнинг натижалари Ғарбий Берлин аҳолисининг кайфиятини асло акс эттирмайди, чунки бу сайлов оккупация режими ва террор шароитида ўтказилди.

## Харидорларга қулай бўлди

Магазин эшигидан ичкари кирсангиз ўзингизни худди янги тушган келинлар уйда тургандек ҳис қиласиз. Махсус подставкаларга ёйиб қўйилган рангба-ранг гулли турли-туман крепдешинлар, крепжоржет, драп ва триколар кўзингизни қамаштиради. Бири-биридан ҳарир, бири-биридан чиройли. Штапель газмоллар галтакка ўхшаш узун подставкаларга ўраб қўйилибди. Худди миришкор гулчи кўлидан чиққан гулдастага ўхшайди. Бу ерда одатдаги магазинларникига ўхшаб прилавкалар йўқ. Харидор бутун кўрнини намойиш қилиб турган газмоллар ичидан хоҳлаганини истаганича кўриб, танлаб олиши мумкин.

Юқорида тасвирланган 162-магазин Тошкентнинг Полиграфия кўчасига жойлашган. Газмолларни шундай усулда сотиш Тошкент универмаги ва бошқа магазинларда ҳам жорий этилган. Аммо уларда подставкаларнинг ноқулайлиги туфайли газламалар харидорлар олдида яхши намойиш қилинмаган. Бу магазинда эса газмоллар шундай қўйилганки, материаллардан тикилган кўйлак ёки пальтолар энгилда қандай кўринади, ярашадими-йўқми, дарҳол тасаввур қилиш мумкин.

— Магазинни қайта қурганимиз ҳамда ишлаш усулимизни ўзгартирганимиз учун жуда қулай бўлди, — дейди магазин директори Раҳимжон Иноғомов.

Илгари моллар полкаларга ўралган ҳолида тахлаб қўйилганда нари борса крепдешиндан ўн хили, жун газламалардан 5-6 хили, штапелнинг 15 га яқин нусхаси харидорлар кўзи олдида турарди. Қолган турли-туман газмолларни жой йўқлигидан прилавка тагида ёки складда сақлашга тўғри келарди.

— Ҳозир мана шу залга, — дейди директор сўзида давом этиб, — крепдешиндан 30 хили, крепжоржетдан 32 хили, штапелнинг 150 нусхаси, 34 хил жун материаллар қўйилган.

Газламаларнинг ҳаммасига алоҳида номерлар ёпиштириб қўйилган. Агар харидорга бирорта материал маъқул бўлиб қолса, сотувчи ходим дарҳол чек ёзиб беради. Чекда материалнинг номери ва метри кўрсатилади. Газмоллар тахлаб қўйилган бўлимлардаги ходимлар ана шу номер бўйича сизга тезлик билан материални ўлчаб беришади.

— Мен, савдо соҳасида 30 йилдан бери ишлайман, — деди бир билан суҳбатда магазиннинг старший сотувчиси Татьяна Фролова. — Аммо харидорларга хизмат кўрсатишнинг мана шу формаси менга жуда маъқул тушди. Ҳозир сотувчиларимиз бир соат ичида илгаригига қараганда бир ярим баравар кўп харидорларга хизмат қилмоқда.

Тошкентдаги кўпгина газмол магазинларининг ходимлари 162-магазинни келиб кўрмоқдалар. Бу ердаги савдо хизмати кўрсатиш усули уларга ҳам маъқул тушди. Келгуси йилда пойтахтимизда савдо хизматининг янгича усулига ўтган магазинлар кўпайиб қолади.

**Т. НАЖМИДДИНОВ.**

**Суратда: магазиннинг консультант сотувчи ходими Тамара Эрмуҳамедова харидорларга ипаклик газмолларни таклиф этмоқда.**

**В. Салов** фотоси.

## Филармониянинг декада репертуарлари

Халқимиз шўх рақсларни, шодлик ва бахтиёрликни куйловчи ажойиб қўшиқлар, лирик ашулаларни севади. Санъаткорларимиз халқимиз севган ана шундай куй ва ўйинларни тамошабинларга намойиш қилиб келмоқдалар. Ўзбекистон Давлат филармониясининг 560 кишилик катта ижодий коллективи Москвада бўладиган Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасига тайёргарлик ишларини ҳар томонлама қизитиб, янги репертуарларни тамошабинларга кўрсатмоқдалар.

Филармония маъмурияти тайёргарлик ишларини тезлаштириш ва унинг сифатини яхшилаш мақсадида ашула, рақс ва куйларни турли ансамбллар бўйича тайёрламоқда. Филармонияда симфоник оркестр, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, «Баҳор» ансамбли каби коллективлар ишлаб турибди. Ҳар қайси коллектив ўзининг ижодий программасига эга. Ашула ва чолғу асбоблари оркестри ўзининг янги программадаги репертуарларини қайта-қайта машқ қилмоқда ва кўрикдан ўтказмоқда.

Пойтахт тамошабинлари учун филармония томонидан тайёрланаётган программада хоразм ашула ва рақслари кенг ўрин олган. Ансамблнинг республикада машҳур бўлган Матёқуб Шерозий, Комилжон Отаниёзов, Коммуна Исмоилова ва бошқа таланти артистлари пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ансамбль декадага атаб ашула, ўйин ва лапарлардан иборат 40 га яқин номер тайёрлади. Тайёрланган номерлар орасида «Хоразм лазгиси» ўйини, «Салом, сизга Хоразмдан» лапари, «Мўстаҳзод», «Муҳаммаси-ушшоқ» каби классик ашулалар бор.

Дирижёр Н. Алимов раҳбарлигидаги симфоник оркестр декадага атаб йирик асарлар тайёрламоқда. Ҳамроевнинг «Ўзбекистон хотинқизлари» кантатаси, С. Бобоевнинг «Симфоник оркестр учун поэма» асари, М. Ашрафий, М. Бурхоновларнинг бир неча янги асарлари ана шулар жумласидандир. Шунингдек, тайёрланаётган номерлар орасида СССР ва чет эл халқлари ашула, рақслари ҳам бор.

Чолғу квартети ўзбек музика маданиятининг янги соҳаларидан биридир. Квартет репертуарини бойитишда композиторларимиздан Д. Соатқулов, С. Юдаков ва Г Мушеллар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Улар декадага ўзларининг бир қанча замонавий темаларда ёзилган янги асарлари билан қатнашадилар.

Филармония коллективи декада муносабати билан 130 га яқин номер тайёрламоқда. Бу, коллективнинг декадага муносиб тайёргарлик кўраётганлиги далилидир.

**Х. ТЎХТАБОЕВ.**

## „Муштум“ журналининг янги сони

Сатира ва юмор журнали «Муштум»нинг 16-сони босмадан чиқди. Журнал «Муштум»нинг «Қанақа шамол керак?» сарлавҳали хати билан очилади. Бу хатда Сурхондарё область «Ҳазарбог» совхоз директори Зибаров, партия ташкилотининг секретари Юнусовларнинг пахта йиғимтеримида меҳнат интизомига эътибор бермаётганлиги танқид қилинади.

Умаржон Халилов, Олим Қўчқорбековларнинг «Насли деб, асли йўқолди» сарлавҳали материалида ўз вақтида ем-хашак тайёрламаган колхоз раислари танқид қилинади. Аъзамжон Аҳроровнинг «Қолдиму» ҳажвий шеърида Холдевонбек районидаги Охунбобев номли ва Ленин номли колхозларда ем-хашак тайёрлашни унутиб қўйган колхоз раислари устидан кулинади. А. Тоҳировнинг «100 киши ҳузурлаю, аммо...», З. Шокировнинг «Уч нарса йўқ», Ҳафиз Юсуповнинг «Яраш-майди...», Й. Учқуннинг «Чўталхўрлар», М. Рашиднинг «Ҳавозасиз овозалар», Ғайратийнинг «Кўргилик» материаллари ҳам диққатга сазовор бўлиб, уларда айрим кишиларимиз орасидаги турли нуқсонлар ҳажв қилинади.

Журналда Шараф Нурхоновнинг «Қайнинг қуриб кетсин сенинг», Чархийнинг «Айлансин», Жавлат Абдулланинг «Дардисар тумшуқ» сарлавҳали сатирик ва юмористик шеърлари ва бошқа кўпгина карикатуралар ҳам босилган.

ХОДИСА

## Қаллоблар қўлга тушди

Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли пойафзал фабрикасининг цех бошлиғи П. И. Верчик ва мастер Д. Я. Меджебожерлар планга киритмай пойафзал тайёрлатиб, магазинларда ширинча соттириб келганлар. Шаҳар милиция бошқармасининг ходимлари бу ишдан воқиф бўлиб, назорат қилиб бордилар. Яқинда Верчик ва Меджебожерлар жиноят устида қўлга тушиб, қамоққа олиндилар. Улар билан бирга Тошкент универсал магазинининг 2-филиалида мол сотувчи бўлиб ишлайдиган Я. Р. Берштейн ҳам қамоққа олинди. Берштейн фабрикадан нарядсиз 23 жуфт пойафзал олиб кетган.

Аниқланишича, жиноятчилар тайёрлатган пойафзалларнинг бир қисми бозордан сотиб олинган теридан, бир қисми эса фабрикада тайёрланаётган нарядли оёқ кийимларнинг сифатини бузиш ҳисобига ишланган.

Жиноятни бекитиш учун Меджебожер милиция машинасига минг сўм пул ташлаб кўрган, лекин у мақсадига эришолмади. Жиноят тўла фош этилди. Уччала қаллоб жиноий жавобгарликка тортилди.

**Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.**

## Маданий нутқ санъати ҳақида

Лектор — оташин нотиқ, сўз устаси, сиёсий ходимдир. Лекторнинг нутқи мантиқий жиҳатдан кучли ва олдий, сўзлари равшан, тингловчини ўзига жалб қила билиши лозим. Лектор — большевистик ҳақиқатнинг пропагандисти, оммага тарқатувчидир. Шу сабабдан ҳам лектор бутун масъулиятни, ўзига юклатилган вазифани чуқур ҳис этган ҳолда иш олиб бормоғи лозим. Лектор зиммасига чуқур мундарижали, ғоявий жиҳатдан пухта лекция тайёрлаб, тингловчиларга сингдиришдек буюк ва шарафли вазифа юклатилганлигининг боиси ҳам шунда.

Лектор, албатта Коммунистик партиямизнинг муҳим қарорлари ва илғор фан ютуқларини пропаганда қилади. Айниқса ҳозирги вақтда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қиладиган етти йиллик план ҳақидаги тезислари, партия ва ҳукуматимизнинг халқ маорифи соҳасидаги тадбирларини кенг тушунтириш — лекторнинг шарафли бурчидир. Лекция кундалик ҳаёт билан, ҳар бир завод, фабрика, колхоз, совхоз, МТС, РТС, ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилишнинг партиямиз томонидан белгилаб берилган улуғвор вазифалари билан боғлаб ўтказилиши зарур. Шунга эришмоқ керакки, лекциядан тингловчилар мамнун бўлсинлар, ҳар бир лекция уларни меҳнат соҳасида янги ғалабаларга илҳомлантирсин.

Ҳар қайси лекциянинг кучли ва оммага тушунарли бўлиши унинг ғоявий мундарижасидир. Бунинг учун лектор ўз лекцияси устида қунт билан ишлаши, лекция марксча методология жиҳатдан кучли, ҳаёт ва маҳаллий фактлар билан чамбарчас боғланган бўлиши керак. Лекцияничг шакли унинг мундарижаси билан тўла боғланган бўлиши лозим.

Лекторнинг нутқи — бу ўзига яраша санъатдир. В. И. Ленин бу ҳақда гапириб, ҳар қандай пропагандист ва агитаторнинг санъати, аудиторияга энг яхши таъсир қилдиралиган, жуда ҳам ишонч ҳосил қиларлик, жуда осонлик билан ўзлаштиришига имкон берадиган, аниқ ва равшан таъсир қилдирадиган бўлсин, деган эди.

Лекторлик санъати ҳамма лекторга хосми? Албатта ҳамма лекторга хос бўлмоғи керак. Бунинг учун лекторлар чидам билан ўз нутқини машлатга етказиш. нутқ сўзлаш услублари ҳақида тинмай иш олиб бориш талаб қилинади.

Лектор ва пропагандистлардан биринчи талаб қилинадиган нарса, бу сўздаги аниқлик ва равшанликдир. Лекторнинг аниқ ва равшан гапириши унинг равшан фикрлашини кўрсатади. Лектор ўз лекциясининг яхши чиқиши учун ўз темаси устида пухта ўтириши ва ўрганишига боғлиқ. Демак, лектор жуда пухталик билан ўрганиб, билиб олган лекциясини тингловчиларга тўғри ва тўла-тўкис тушунтира билса, шунчалик ўз ишида шуҳрат қозонади.

Лектор ўз фикрини ифодалашда жуда ҳам саводли бўлсин, ҳар қайси жумлалар тўғри тузилган бўлсин ва сўзлар аниқ ишлатилсин. Бунинг учун лектор тил қоидаларини тинмай ўрганиши, сўз бойлигига эга бўлиши лозим.

Ҳар қандай нотиқдан (пропагандист, лектор, агитатор ва бошқалардан) талаб шуки: ўқиладиган лекциянинг сўзларини яхши билсин; тил қоидаларини яхши ўрганган ва маданий тилда гапирадиган бўлсин; унинг сўзлари жозибадор ва образли бўлиши керак.

Лекторнинг лекцияга ёки докладга тайёрлик кўриши бу катта ижодий ишдир. Чунки, лектор лекцияга тайёргарлик кўриш жараёнида ўз билим даражасини оширади, тил бойлигига эга бўлади, нутқ сўзлашдаги энг яхши воситаларни қидиради. Нотиқ лекцияга тайёрланишда жуда кўп материалларни тўплайди ва ўрганади. У ўз темасига оид бўлган бир қанча материалларни тўплагач, лекция планини тузади ва ниҳоят лекцияни ёзишга киришади.

Лектор лекция текстини ёзиб бўлгандан сўнг, материалларни яхшилаб эсда тутиши, лекция текстидан қайтарик сўзларни чиқариб ташлаши ва лекция текстини жонли, ёркин мисоллар билан тўлдириши керак. Лектор ўз аудиториясида бир неча бор лекция ўқигандан сўнг, келажак лекцияларини қандай ўқиши очиқ-ойдин бўлиб колади.

Лектор тингловчиларни ўзига жалб қилиш санъатига эга бўлиши зарур. Баъзи бир лектор лекция пайтида сўзларни эсдан чиқариб қўяди, нойма-пой гапиради ва лугатларни бехуда ишлатади. Масалан: «масалан», «яъни масалан», «демак», «маълум бўлишича», «а,... мана шундай қилиб», «қайсики» деб довдирайди.

Бунинг сабаби нимада? Бунинг бирқанча сабаблари бор. Айни бир вақтда ҳам ижод қилиш ва ҳам уни ижро қилиш қийин. Лектор ўз лекциясини нормал ҳолда, ҳеч ким халақит бермайдигана особишта жойда ёзган бўлса, энди лекторни юздаб тингловчилар кузатиб туради. Лекторнинг ҳар қайси сўзини ва унинг хатоларини тингловчилар ҳушёрлик билан сезиб турадилар.

Бу ҳақда М. И. Калинин бундай деган эди: «энг сезувчи барометр — бу аудиториядир». Бу ҳаққоний таъриф. Янги, ёш лектор аудиториядан чўчийди, ҳовотирланиб, баъзан ўзини йўқотиб қўяди. Бу ҳоллар тажрибали лекторларда ҳам учраб туради. Лектор ўз устида қунт билан ишласа, бу камчиликни бартараф қилиш мумкин. Нотиқнинг ишонч ва дадиллик билан гапириши унинг луғат запасларига ҳам боғлиқдир. Нотиқнинг сўзга камбағаллиги сўз қайтаришига, хатога, шаблонга лучор қилади. Масалан, «мусобақани ташкил қилиш» ўрнига «мусобақаларни ташкил қилиш ишидаги ишлар» деб айтиш ёки «галдаги вазифалар» ўрнига, «галдаги вазифаларни ташкил қилишдаги вазифалар» каби ортиқча сўзлар билан лекцияни чалкаштиради.

Сўзларни нотўғри гапириш — бу энг ёмон одатдир. Масалан, «иш кўп» ўрнига «кўп иш», «ўрин йўқ» ўрнига «йўқ ўрин», «танаффус» ўрнига «таралабус» деб талаффуз қилиш лекторнинг маданиятсизлигини кўрсатади.

Лекцияни тамомлаш. хотима қисми ҳам турлича бўлади. Албатта, лекцияни ўқилган материаллар юзасидан қисқароқ хулоса чиқариш билан тугаллаш керак. Шуни ҳам уқтириш керакки, лекция гамом бўлганини тингловчилар дарҳол тушунсинлар.

Нотиқлик санъати энг қийин санъат. Нотиқлик санъатини эгаллаш керак. Лектор — большевик, оташин трибун эгаси, пропагандист, коммунизм идеяларини оммага тарқатувчидир.

**М. УМАРОВ.**

## Телевидор Экранида

**11 ДЕКАБРДА**

**19.30. Болалар учун ўзбек тилида «Глиер номли мактабда» деган иккинчи эшиттириш.**

**20.00. Киножурнал.**

**20.10. Ўзбек тилида «КПСС XXI съезди олдидан» деган эшиттириш.**

**20.25. Сўнгги ахборот.**

**20.45. Бадиий фильм — «Она қалби».**

**ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/XII да **Бой ила хизматчи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — Тез кунда янги спектакль **Маскарад** (балет).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта программада **цирк тамошалари.** 50 лилипут артист иштирокида **музикали аттракцион.**

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», — кундуз ва кечқурун **Лауранинг қуёви.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Машақатли бахт,** кундуз соат 2 дан **Севги учрашуви.**

**СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА**

10 декабрда

**ЎЗБЕК МАҚОМЛАРИДАН**

**КАТТА КОНЦЕРТ**

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Шаҳодат Раҳимова, Фотима Боруҳова, Ғулом Абдураҳмонов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев,** Ўзбекистон халқ ҳофизлари **Эшмат Ҳайдаров, Акбар Ҳайдаров,** солистлардан **Берта Давидова, Тўхта Йўлдошева, Карим Мўминов, Тоштемир Шарипов, Маҳмуд Муҳамедов, Фозил Харратов, Ғафур Иноғомов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

**КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ**

КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

## Тундаги из

**НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ.**

Сценарий авторлари — **Герхард Нойманн, Гюнтер Райш.**

Режиссер — **Гюнтер Райш.**

Оператор — **Вальтер Федмер.**

Ролларда:

**Ульрихт Тайн, Ева-Мария Хаген, Герман Кисснер, Раймунд Шельхер, Аннекатрин Бюргер, Увейенс Папе, Дитер Перлвитц, Фридрих Гнасс, Курт Дункельманн, Хела Груэль, Ганс-Петер Минетти, Курт Ракельманн, Хорст Кубе, Герберт Кёрбслар**

қатнашади.

Фильмни Германия Демократик Республикасидаги «Прогресс», Дефа-фильм киностудияси ишлаган,

М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссери — **Ю. Васильчиков,** овоз оператори — **Д. Флянгольц.**

**РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ:** Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими 136. Маданият бўлими — 132. Алабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135 Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132, Секретариат — 29040, Элонлар бўлими — 38142.

Р. 09020. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-627.